БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 66 (557)

1 АПРЕЛЬ ЯКШАНБА 1956 ИИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

УМУМАН ПАРТИЯНИНГ ВА АЙРИМ ҲОЛДА ҲАРБИР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАР КЕНГ ОММАСИ БЛАН АЛОҚАСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ПАРТИЯ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШНИНГ ЗАРУР ШАРТИДИР. С'ЕЗД ПАРТИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ Э'ТИБОРИНИ МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ВА КАСАБА СОЮЗ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК ВА МАДАНИЙ ҚУРИЛИШДАГИ, АҲОЛИНИНГ КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ВА ТАЛАБЛАРИНИ ҚОНДИРИШ, МЕҲНАТКАШЛАРНИ КОММУНИСТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШ ИШИДАГИ РОЛИНИ ҚАТ'ИЙ РАВИШДА ҚЎТАРМОҚ УЧУН УЛАРНИНГ ИШЛАРИНИ ЖОНЛАНТИРИШ ЗАРУРЛИГИГА ЖАЛБ ҚИЛАДИ.

(КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг резолюциясидан).

Касаба союз ташкилотларининг ишчанлик қобилиятини оширайлик

Ўзбекистон касаба союзларининг Тошкентда бўлиб ўтган союзлараро IV конференцияси ўз ишини тамомлади. Конференция Ўзбекистон касаба союзлари Советининг ҳисобот давридаги иш фаолиятига якун ясади, касаба союз ташкилотларининг КПСС XX с'ездининг ва ВЦСПС IV Пленумининг қарорларидан келиб чиқадиган улуғвор вазифаларини белгилаб берди. Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг ва ревизия комиссиясининг янги составини сайлади.

Ўз сафларида миллионларча ишчи ва хизматчиларни бирлаштирган совет касаба союзлари Коммунистик партиянинг бевосита раҳбарлигида мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш соҳасида олиб борилаётган буюк ижодий ва ташкилий ишларда актив қатнашмоқдалар. Касаба союз органларининг мамлакатимиз хўжалик ва жамоат ҳаётидаги роли тобора ошиб бормоқда.

Пролетар интернационализми идеяларига содиқ бўлган совет касаба союзлари бошқа мамлакатлардаги касаба союзлар билан халқаро алоқаларини тинмай мустаҳкамламоқдалар ва кенгайтирмоқдалар, жаҳон касабачилик ҳаракатининг олдинги қаторида, бутун дун'ёда демократия ва ҳақлик шовқун-сурон кўтариб, мажбуриятлар тўплаш, ишлабчиқаришлаги айрим рекордларни кўз-кўз қилиш ҳоллари рўй бермоқда. Янгийўл пахта тозалаш заводида қўлланилаётган ускуналардан фойдаланиш соҳасидаги илғор тажриба, «Тошгекстильмаш» заводининг қуюв цехида қўлланилаётган маҳсулотни кўпайтириш тажрибаси бошқа корхоналарга тузук ёйилмаётир.

Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзининг Тошкент область комитетида меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларига бюрократларча қараш ҳоллари содир бўлмоқда. Комитет ходимлари союз а'золарининг аризаларига кўпинча э'тиборсизлик блан қарашга одатланиб қолганлар.

Областимиз колхоз ва совхозларида эрта-индин ёппасига чигит экиш бошланади. Броқ, кўпгина МТСларнинг касаба союз ташкилотлари бу муҳим кампаниядан ўзларини четга олмоқдалар. Шунинг учун ҳам Пискент, Бўка, Юқоричирчиқ, Бекобод МТСларида тракторларнинг анчагина қисми шу вақтгача ремонтдан чиқарилмаган. Бу МТСларнинг касаба союз ташкилотлари механизатор кадрларга чигитни квадрат-уялаб экиш техникасини ўргатишга, шунингдек тракторчиларнинг механизаторлик малакаларини ошириш масалаларига ҳам ҳам э'тибор бермоқдалар.

Коммунистик партия касаба союз ташкилотлари зиммасига ғоят муҳим ва мас'улиятли вазифани юклаган. Давлатни идора қилиш мактаби, хўжаликни бошқариш мактаби, коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари кенг меҳнаткашлар оммасини оташин совет ватанпарварлигини руҳида, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбия қилмоқлари керак. Касаба союзларининг ҳамма ташкилотчилик ва тарбиявий ишлари ишчи ва хизматчиларни корхона ва муассаса олдида турган конкрет вазифаларни, олтинчи бешйиллик планни муваффақиятли бажариш учун курашга сафарбар қилишга бўйсундирилиши лозим.

Социалистик мусобақага амалий раҳбарлик қилиш, меҳнатни нормалаштириш ва ишҳақи масалаларига э'тиборни кучайтириш, ишчи ва хизматчиларнинг эҳтиёж ва талабларини қондириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш — касаба союз ташкилотларининг энг муҳим ва асосий вазифасидир. Касаба союзлари меҳнаткашларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг ёғри дам олишларини намунали уюштириш, коммунал корхоналарнинг ишларини тартибга келтириш масалалари блан ҳардоим шуғулланишлари керак. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий овқатланиш корхоналарининг ишларини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» чиқарган қарорини бажаришда касаба союз ташкилотлари муҳим роль ўйнашлари лозим.

Омма блан мустаҳкам алоқада бўлиш, Коммунистик партиянинг синалган доно раҳбарлиги — касаба союзларнинг куч манбаидир. Касаба союз ташкилотлари омма блан алоқани янада мустаҳкамлаб, уларнинг шикоят ва аризаларига сезгирлик блан қулоқ солиб, ижодий ташаббусни ҳартомонлама ривожлантиришлари лозим. Маҳаллий партия ташкилотлари касаба союз органларининг хўжалик ва маданий қурилишдаги, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини ва талабларини қондириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишидаги ролини қат'ий равишда ошириш учун уларга ҳартомонлама амалий ёрдам беришлари керак.

Совет касаба союзлари коммунизм ғалабаси учун олиб борилаётган ғоят катта курашнинг ҳамма даврларида кенг меҳнаткашлар оммасини Коммунистик партия томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар қилиб келди. КПСС XX с'ездининг тарихий қарорларидан илҳомланган касаба союз ташкилотлари бундан кейин ҳам ишчи ва хизматчиларнинг ижодий ташаббусини олтинчи бешйиллик планни тўла ва ошириб бажаришга, коммунистик қурилишда янгидан-янги ғалабаларга эришишга сафарбар этадилар.

К. Е. Ворошилов Швеция Бош Министри Т. Эрландер жанобларини қабул қилди

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов 30 мартда Швеция Бош Министри Т. Эрландер жанобларини қабул қилди.

Швеция Ички ишлар министри Г. Хедлунд, Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман, Швеция Ташқи ишлар министрлиги Сиёсий бўлимининг мудири Г. Ярринг, СССРдаги Швеция Элчихонасининг секретари Б. Германсон Бош Министр Т. Эрландер жанобларига ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Қабул маросимида СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов, СССРнинг Швециядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. К. Родионов, СССР Олий Совети Президиумининг Протокол бошлиғи Г. И. Фомин ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва В. М. Молотов Швеция Бош Министри Т. Эрландер блан суҳбат қилдилар

31 мартда Кремльда СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчев ҳамда СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари ва Ташқи ишлар министри В. М. Молотов блан Швеция Бош Министри Т. Эрландер ўртасидаги суҳбат давом этдирилди.

Суҳбат вақтида Швеция томонидан— Ички ишлар министри Г. Хедлунд, Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман, Швеция Ташқи ишлар министрлиги Сиёсий бўлимининг мудири Г. Ярринг, Бош министрнинг шахсий секретари У. Пальме, Швеция Ташқи ишлар министрлигининг 2-нчи секретари Г. Лорентцон; совет томонидан—Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, Маданият министри Н. А. Михайлов, Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семёнов, СССРнинг Швециядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. К. Родионов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Скандинавия мамлакатлари бўлимининг мудири М. Г. Грибанов, СССРнинг Швециядаги Элчихонасининг масла ҳатчиси Н. М. Луньков ва маслаҳатчи А. М. Александров ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ҳузурида Швеция Бош Министри Т. Эрландер шарафига зиёфат

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин 30 мартда Кремльда Швеция Бош Министри Т. Эрландер шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Швеция Бош Министри Т. Эрландер рафиқаси блан, Швеция Ички ишлар министри Г. Хедлунд рафиқаси блан, Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман рафиқаси блан, Швеция Ташқи ишлар министрлиги Сиёсий бўлимининг мудири Г. Ярринг рафиқаси блан, Бош Министрнинг шахсий секретари У. Пальме, Швеция Ташқи ишлар министрлиги Сиёсий бўлимининг иккинчи секретари Г. Лорентцон, Швеция Бош Министри ҳузурида матбуот ишлари маҳсус вакили С. Фрикиус, СССРдаги Швеция Элчихонасининг кенгашчиси Л. Петри рафиқаси блан, СССРдаги Швеция Элчихонасининг секретари В. Вахтмейстер рафиқаси блан ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан Н. Х. Булганин, Л. М. Каганович, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Д. Т. Шепилов, СССР министрлари Н. П. Дудоров, И. Г. Кабанов, М. Д. Ковригина, Н. А. Михайлов, Совет Иттифоқи Маршали В. Д. Соколовский, Армия генерали И. А. Серов, ТАСС мас'ул раҳбари Н. Г. Палгунов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов, СССРнинг Швециядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. К. Родионов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Скандинавия мамлакатлари бўлимининг мудири М. Г. Грибанов, СССР Министрлар Советининг мас'ул ходими Н. П. Цигичко, СССР Министрлар Совети Раисининг протокол бошлиғи Е. А. Тарабрин, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков; Швециядаги СССР Элчихонасининг кенгашчиси Н. М. Луньков, СССР Ташқи ишлар министрлигининг ходимлари А. М. Александров ва Е. А. Ворожейкин ҳозир бўлдилар.

Зиёфат ғоят самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

Швеция Бош Министри Т. Эрландернинг Москвада бўлиши

Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ Москвага келган Швеция Бош Министри Т. Эрландер ва унинг ҳамроҳлари 30 мартда Москва Кремлининг тарихий ва архитектура ёдгорликлари блан танишдилар. Улар В. И. Ленининг Кремльдаги иш кабинети ва квартирасини бориб кўрдилар. В. И. Ленининг иш кабинетидан кетатуриб Т. Эрландер таассурот ёзиладиган дафтарга қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди:

«Москвага қилган визитимиз вақтида ана шу тарихий квартирани бориб кўришимиз бизда ғоят катта таассурот қолдирди».

Швецияли меҳмонлар СССР Министрлар Советининг мажлислар залини, сўнгра Успенский ва Архангельский соборларини тамоша қилдилар. Қурол палатасидаги коллекциялар блан танишдилар. Қурол палатасидаги экспонатлар ҳақида ёзилган илмий асар Т. Эрландерга совға қилинди. Бош Министр совғани қабул қилиб олар экан, музейдаги коллекциялар дун'ёдаги энг бой коллекцияларнинг бириди, деди.

Швеция Бош Министри Москва Кремлини тамоша қилган пайтда СССРнинг Швециядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. К. Родионов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, Москва Кремлининг коменданти генерал-лейтенант А. Я. Веденин унга ҳамроҳ бўлдилар. Кремльни Бош Министр блан биргаликда шивд журналистлари ҳам тамоша қилдилар.

Кечқурун Т. Эрландер рафиқаси блан, Швеция Ички ишлар министри Г. Хедлунд рафиқаси блан, Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман рафиқаси блан ва Бош Министрнинг бошқа ҳамроҳлари СССР Большой театрида С. Прокофьевнинг «Ромео ва Жульетта» балетини тамоша қилдилар.

Швеция ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари блан безатилган марказий ложала Н. А. Булганин, В. М. Молотов, Н. С. Хрушчев, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, СССР Ички ишлар министри Н. П.Дудоров, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов, СССРнинг Швециядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. К. Родионов, СССР Министрлар Совети Раиси Протокол бошлиғи Е. А. Тарабрин меҳмонлар блан бирга бўлдилар.

Театрда СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари бор эди.

Тамошабинлар Швеция Бош Министрини, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларини самимий табрикладилар.

Спектакль бошланиши олдидан Швеция ва Совет Иттифоқининг Давлат гимнлари ижро этилди. (ТАСС).

Маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштириш юзасидан Бутуниттифоқ кенгаши

ДНЕПРОПЕТРОВСК, 28 март. (ТАСС). Партия XX с'ездининг Директиваларида 1960 йилда колхоз ва совхозларда маккажўхори экин майдонларини 28 миллион гектаргача етказиш вазифаси қўйилган. Янги бешйилликда маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштиришга айниқса катта э'тибор берилади.

Ана шу вазифани бажариш соҳасидаги конкрет тадбирларни муҳокама қилмоқ, маккажўхори етиштириш соҳасида мамлакатнинг бирқанча районларида йўл қўйилган хатоларни, шунингдек бу экинни экишга тайёргарлик кўриш масалаларини муфассал муҳокама қилмоқ учун 28 мартда Днепропетровскда чақирилган Бутуниттифоқ кенгаши очилди.

Кенгашга мамлакатнинг донгдор маккажўхоричилари, колхозларнинг раислари ва агрономлари, МТС ва совхоз ходимлари, илмий-текшириш муассасаларининг мутахассислари, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбар ходимлари, иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий комитетларининг қишлоқ хўжалик бўлимлари мудирлари, иттифоқчи республикалар министрлар советлари раисларининг қишлоқ хўжалик масалалари блан шуғулланучи ўринбосарлари; шунингдек халқ демократияси мамлакатлари — Польша, Чехословакия, Венгрия, Руминия, Болгария, Албания, Германия Демократик Республикаси вакиллари келдилар.

Кенгашни СССР қишлоқ хўжалик министри В. В. Мацкевич кириш нутқи сўзлаб очди. Ўртоқ Мацкевич дон етиштиришни, жумладан маккажўхори етиштиришни янада кўпайтириш соҳасида партия XX с'езди томонидан қўйилган вазифаларга тўхталиб, мамлакатнинг ҳарбир зонасида маккажўхори майдонларини кенгайтириш блан бир қаторда бу экиннинг ҳосилини ошириш соҳасида ғоят катта резервлар борлигини қайд қилиб ўтди.

Кенгашда маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштиришни ташкил қилиш тўғрисида қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Бутуниттифоқ маккажўхори илмий-текшириш институтининг профессори Ўртоқ Б. П. Соколов доклад қилди.

Докладчи қайд қилиб ўтдики, маккажўхорини оммавий равишда гибрид уруғлар блан экишга ўтиш, бу уруғларни етиштиришга унчалик кўп маблағ сарфламаган ҳолда, мамлакатга қўшимча равишда миллионларча центнер дон бериши мумкин. Буни гибрид уруғларнинг аҳамиятини яхши тушуниб олган илғор колхозларнинг кўпйиллик тажрибаси яққол та'кидлайди.

Ўртоқ Соколовнинг докладидан кейин Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтига қарашли Кубань тажриба станцияси маккажўхори лабораториясининг мудири қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Г. С. Галеев ва қишлоқ хўжалик фанлари доктори профессор А. С. Мусийко қўшимча доклад қилдилар.

Сўнгра кенгаш қатнашчилари Бутуниттифоқ маккажўхори илмий текшириш институтининг лабораторий мудири қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Д. С. Филевнинг гибридизация участкаларида маккажўхори ҳосилини оширадиган асосий агротехника тадбирлари тўғрисидаги докладини тингладилар.

Кечки мажлисда маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштириш тажрибаси тўғрисида Краснодар ўлкасидаги «Лабинский» совхозининг агрономи Ўртоқ Д. И. Дмитриев ва Днепропетровск областидаги Сталин номли колхознинг раиси Ўртоқ А. П. Неживой ўз тажрибаларини сўзлаб бердилар.

ДНЕПРОПЕТРОВСК, 30 март. (ТАСС). Маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштириш юзасидан чақирилган Бутуниттифоқ кенгаши 29 мартда ўз ишини давом этдирди.

Кенгаш қатнашчилари тингланган докладларни муҳокама қилиб, партия XX с'ездининг маккажўхори етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисидаги қароларини амалга ошириш блан боғлиқ масалаларни тингладилар.

Шимолий Осетия қишлоқ хўжалик тажриба станциясининг директори профессор Саламов ўз нутқида гибрид маккажўхори уруғчилиги ва селекцияси ишини яхшилаш масалалари тўғрисида гапирди.

Курск тажриба-селекция станциясининг старший илмий ходими Ўртоқ Белизин мамлакатнинг шимолий районларида уруғчилик ишини ташкил қилишга дифференциал равишда муносабатда бўлиш зарурлигини айтди.

— Бизнинг колхозимиз, — деди Ўзбекистон ССРдаги Карл Маркс номли колхознинг раиси Ўртоқ Қобилова, — шоли, сабзавот, узум етиштиришни блан бирқаторда маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштириш блан ҳам шуғулланмоқда. Биз ўтган йили ҳар гектар ердан 45 центнердан маккажўхори сўтаси олдик. Биз маккажўхори етиштиришнинг иктисодий жиҳатдан фойдали эканлигини назарга олиб, 1956 йилда маккажўхори майдонларини бир ярим баравар кенгайтиришга қарор қилдик. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги ва Милютин селекция станцияси блан биргаликда колхозда ВИР-42 деган гибрид уруғларини етиштиралиган бўлдик. Биз бу хил гибрид уруғлардан шу йилдаёқ давлатга камида юз тонна топширамиз.

Кенгашда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ўртоқ П. П. Лобанов нутқ сўзлади.

29 март кечқуруи ва 30 март эрталаб секциялар ишлади.

30 мартда кенгашнинг якуниовчи ялпи мажлиси бўлди.

Биринчи Май шарафига

Бир миллион сўмга яқин фойда

Олмалиқдаги мис комбинатининг ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштиришда актив қатнашаётирлар.

Комбинатнинг кекса ишчиси Ўртоқ Важдаев шаҳар атрофидаги барча пастбаландликларни жуда яхши билади. Комбинатга ҳомаш'ёни ташишни осонлаштириш мақсадида янги йўл қуриш ҳақида фикр юритилди. Шунда Ўртоқ Важдаев энг яқин йўлни қуриш ҳақида таклиф киритди. Натижада бир километрга яқин йўл қисқариб, 300 минг сўмлик давлат маблағи тежалди.

Ишлабчиқаришдаги айрим операцияларни такомиллаштириш маҳсулот сифатини яхшилаш меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини бермоқда. Темирчи Ўртоқ Москотин штампларни содалаштиришни таклиф этди.

Корхона рационализаторлари томонидан йил бошидан бери ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган 20 га яқин қимматли таклиф берилди. Бу таклифларни амалга ошириш корхонага йилига бир миллион сўмга яқин фойда беради.


Н. ГОРОДНИЧЕНКО.

Корхонанинг илғор цехи

«Ўзбексельмаш» заводининг 5-нчи цех коллективи КПСС XX с'езди қарорларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун курашиб, социалистик қишлоқ хўжалигига янада кўпроқ машина ва запас қисмлари ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришмоқда.

Цехнинг ҳарбир участкасида олинган мажбуриятни бажариш учун ишлабчиқаришдаги барча имкониятлар ишга солинмоқда. Илғорлар тажрибасини кенг оммалаштирилиб, ишчилар ўртасида социалистик мусобақа тобора авж олаётир. Байрамолди мусобақасини кучайтираётган ишчилар ўтган ой топшириғини ошиғи блан бажариб, пландан ортиқча 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Цех коллективи март ойи планини ҳам муддатидан илгари бажарди.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.



Тошкент асбобсозлик заводида қўплабёшлар ҳунар ўрганмоқдалар. Суратда: илғор пармаловчи Г. Аблялимова (ўнгда) ўз шогирди М. Исамиддинованинг қўппармали станокни бошқаришини кузатмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

18 минг литр ёнилғи тежалди

Чирчиқ шаҳрида Сталин номли электрохимия комбинатининг коллективи А. Эргашев, С. Косарев, А. Ерешенко Ўртоқларининг номини ҳурмат блан тилга олади. Булар корхона учун энг зарур ҳомаш'ёни бошқа хўжалик материалларини ўз вақтида етказиб беришда фидокорона меҳнатлари блан обрў қозонганлар.

Комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари қаторида Эргашев, Косарев, Ерешенко Ўртоқлар ҳам 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш, йил охиригача ўз автомашиналарини капитал ремонт қилмай 160—170 минг километр йўл босиш, 1200 литр ёнилғи тежаш мажбуриятини олган эдилар. Меҳнатсевар шоферлар йил бошидан бери 200 литрдан ёнилғини тежаб, ойлик юк ташиш топшириғини 130 процентга етказиб бажардилар.

Шофер Абдуҳаким Эргашев ўзига бириктирилган «ЗИС—5» маркали машинани 6 йилдан бери ҳечқандай шикастсиз ишлатиб келади. У, машинанинг капитал ремонтсиз ишлашини та'минлаш мақсадида механизмларини яхши сақлашга қаратилган рационализаторлик таклифини берди. Шу таклиф туфайли база ўтган йили 560 минг сўм фойда кўрди, 18 минг литр ёнилғи тежалди. Базада бундай илғор шоферлар кўп.

База коллективи илғорлар тажрибасини оммалаштириб, автомашиналарнинг авариясиз ишлашига эришмоқда, юк ташиш планини ҳардоим ошириб бажараётир. Шу кунларда база шоферлари майдони социалистик мусобақасини кучайтириб, машиналарнинг юк ташиш оборотини ошириш, кўплаб ёнилғи тежаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Т. УРУНОВ.

Электр қувватини янада ошириш учун

Оҳангарон электростанциясининг коллективи майдони социалистик мусобақасини тобора кучайтирмоқда.

Станция машинистларидан А. Батяев, В. Подрезов Ўртоқлар ускуналарнинг авариясиз ишлашини та'минлаб, меҳнат унумдорлигини оширмоқдалар. Кочегарлардан Харитоненко, Подрезовадесяткий Ўртоқлар кўплаб ёқилғини тежамоқдалар.

Ускуналар қувватидан тўла фойдаланиш ва мавжуд ички имкониятларни ишга селишда станция рационализаторлари катта ҳисса қўшаётирлар. Мастер Павел Плотников қозонга ўт ёқиш процессини ўзгартириб, йилига 8 минг сўмлик маблағ тежайдиган бўлди. Мастер В. Велькин, ишчи М. Липовой Ўртоқларнинг берган қимматли таклифлари ҳам ишлабчиқаришга катта фойда келтирмоқда.

Станция коллективи ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, шаҳар саноат корхоналари, муассасалари ҳамда аҳолининг эҳтиёжи учун янада кўпроқ электр қуввати бериш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Ф. ПЕТРОВ.

Байрамолди вахтасида

Янгийўл консерва заводи коллективи КПСС XX с'езди қарорлари асосида социалистик мусобақани кучайтириб, биринчи квартал планини муддатидан илгари бажарди. Коллектив 1 Майни муносиб кутиб олиш юзасидан ўз зиммасига оширилган мажбурият олиб ишламоқда.

Завод ишчилари ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштиришга катта э'тибор бериб, мавжуд механизмларнинг тўла қувват блан ишлашига эришаётирлар. Бош механик Тюш, механика цехининг бошлиғи Вайнберг Ўртоқлар раҳбарлигида завод рационализаторлари ювиш-қуритиш агрегатини тайёрламоқдалар. Янги агрегатлар ишга тушиши блан бу операцияда меҳнат унумдорлиги бирнеча ҳисса ошади.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

Ўзбекистон касаба союзларининг союзлараро IV конференцияси

Ўзбекистон касаба союзларининг 29—30 мартда Тошкентда союзлараро IV конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Ўзсовпроф раиси Ж. Қ. Хўжаев Ўзбекистон касаба союзлари Советининг иши тўғрисида ҳисобот доклади қилди. Ревизия комиссиясининг раиси Г. П. Верякин доклади ҳам тингланди.

Ўртоқ Хўжаев ўз докладида Ўзбекистон меҳнаткашларининг Коммунистик партия раҳбарлиги остида эришган катта ишлабчиқариш муваффақиятлари тўғрисида гапирди. Бешинчи бешйилликда республика саноат корхоналари пландан ташқари 2 миллиард сўмликдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Ўнлаб янги заводлар ва фабрикалар ишга туширилди. Янги техника ва илғор технология ишлабчиқаришга кунт билан жорий қилинмоқда.

Партия XX с'ездининг тарихий қарорлари туфайли саноат ва транспорт корхоналарида, колхозларда, совхозларда ва МТСларда сиёсий активлик ва меҳнат активлиги янада юксак даражага кўтарилди. Меҳнаткашлар партия с'ездининг қарорларини қизғин равишда ма'қуллаб, олтинчи бешйиллик планни муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани тағин ҳам кенг авж олдирмоқдалар.

Шу билан бирликда докладчи ва музокараларда сўзга чиққан делегатлар шуни уқтириб ўтдиларки, Ўзсовпрофнинг, область касаба союзлари Советларининг, касаба союзлар республика комитетларининг, шунингдек кўпгина касаба союз бошланғич ташкилотларининг иш савияси меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган ижодий активлигидан, партия томонидан касаба союзлар олдига қўйилган катта вазифалардан кейинда қолмоқда.

Партия XX с'ездида касаба союзларининг иши тўғрисида қилинган кескин танқид Ўзбекистон касаба союз ташкилотларининг ишларига ҳам тўла равишда тааллуқлидир. Республика раҳбар касаба союз органларининг катта камчилиги шуки, меҳнат унумдорлигини ошириш, уй-жой бинолари қуриш, ишчи ва хизматчиларнинг маданий-маиший талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган ҳаётий муҳим, туб масалаларни қўйишда уларнинг ишида ижодий жўшқинлик, ўткирлик, принципиаллик ва ташаббускорлик етарлик эмас.

Ўзсовпроф ва маҳаллий касаба союз органлари социалистик мусобақага яхши раҳбарлик қилмаётирлар, корхоналарнинг биргекис ишламаётганлигига, ишлабчиқаришнинг ёмон планлаштирилаётганлигига, ускуналарнинг кўп вақт ишламай бекор туриб қолаётганлигига, маҳсулот сифатининг пастлигига, ички резервлардан фойдаланишнинг гоят сустлигига муросачилик билан қарамоқдалар.

«Ташсельмаш» заводининг тезкор токари Д. Х. Судаков, Самарқанд облпрофсоветининг секретари Ф. И. Лебедкин ва бошқа делегатлар шуни айтиб ўтдиларки, социалистик мусобақада кўпинча формализм ҳукм сурмоқда, жонли ижодий иш билан шуғулланиш ўрнига, мажбуриятлар тўплаш, ишлабчиқаришдаги айрим рекордларни кўз-кўз қилиш билан шуғулланилмоқда. Бундай фактлар, жумладан, Пўлларм министрлигининг Тошкент машинасозлик заводида, Наманғандаги тикувчилик фабрикасида, Андижондаги «Строммашина» заводида ва бошқа корхоналарда содир бўлмоқда.

Касаба союз ташкилотлари янги техниканы ва илғор технологияни жорий қилишга, рационализаторлик ва ихтиро'чиликка лозим бўлган даражада э'тибор бермаётирлар, кўпинча новаторларнинг ташаббуси қўллаб-қувватланмаётганлигини кўра туриб, бу фактларга зинҳор қараб турмоқдалар. Озиқ-овқат саноатида, совхозлар ва МТСларда, қурилишларда, шунингдек ба'зи машинасозлик корхоналарида ва коммунал корхоналарда рационализаторлик ишларига яхши ривожланмаган. Илмий-текшириш муассасалари ва институтлари ишлабчиқариш билан тузук боғланмаган, касаба союз ташкилотлари эса олимларнинг куч ва ғайратини техникани тараққий этдириш учун қурашда корхоналарга ёрдам беришга йўлламаётирлар.

Ишлабчиқариш кенгашлари ходимларнинг ижодий ташаббусини оширадиган муҳим воситадир. Лекин бу кенгашларнинг ролига етарлик аҳамият берилмаётир. Ишлабчиқариш кенгашлари ўтказилаётган жойларда эса бундай кенгашлар кўпинча расмиятчиликка айланиб кетмоқда.

Ўзсовпроф, касаба союзларининг республика комитетлари, кўпгина маҳаллий касаба союз ташкилотлари корхоналарда, колхозларда, совхозларда ва МТСларда оператив раҳбарлик қилишда, ишлаб чиқаришни ташкил этишда, меҳнатни илмий асосда нормалашда, ишчи ва хизматчиларнинг малакасини ошириш масалаларида ҳам ўз муносабатларининг ёмонлашиб қолишидан кўпинча кўркадилар, шартномаларда кўрсатилган тадбирларнинг хўжалик раҳбарлари томонидан ҳеч сўзсиз амалга оширилишига эришмаётирлар.

Сўзга чиққан ўртоқларнинг кўплари пахтачиликни янада юксалтириш соҳасида касаба союзлари олдида жуда катта вазифалар турганлигини уқтириб ўтдилар.

Қишлоқ хўжалик заказларини бажарадиган саноат корхоналарининг касаба союз ташкилотлари техника ва запас қисмлар ишлаб чиқаришнинг боришини муттасил контроль қилиб туришлари зарур. Колхозларга, совхозларга ва МТСларга оталик ёрдами кўрсатишда касаба союзларининг роли катта.

Сўзга чиққанлар ишчилар ва хизматчиларга маиший хизмат кўрсатиш масалаларига, уй-жой қурилиши масалаларига катта а'тибор бердилар.

Кейинги икки йил мобайнида республикада сатҳи 300 минг квадрат метр бўлган уй-жой бинолари, 36 та умумий та'лим мактаби, 30 га яқин медицина муассасаси, шаҳарларда 50 дан кўпроқ болалар боғчалари ва болалар яслилари бинолари қурилди ва ишга туширилди. Бироқ, ўтган йил қурилиш плани бажарилмай қолди. Бунинг натижасида меҳнаткашлар 200 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой майдонини кам олдилар. 1956 йилда ҳам аҳвол яхшиланмайди. Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги, «Средазшахстрой», «Средазгидроэнергострой» трестлари уй-жой бинолари қуриш планини бажармаётирлар. Касаба союз ташкилотлари қурилиш ишларининг боришини, техникадан тўлиқ фойдаланишни тузук контроль қилмаётирлар. Меҳнат унумдорлигини ошириш, бинолар қуришда индустриал методларни кенг жорий қилиш учун бошланган социалистик мусобақани етарли равишда авж олдирмаётирлар.

Коммунал корхоналарнинг ишларида катта камчиликлар бор. Квартираларни ремонт қилиш ишида тартиб ўрнатилгани йўқ. Ремонт ишлари яхши сифатли қилиб ва ўз вақтида бажарилмаётир. Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлиги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мастерскойларини кўпайтирмади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий овқатланиш корхоналарининг ишларини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» чиқарган қарорини бажаришда касаба союз ташкилотлари муҳим роль ўйнашлари лозим. Аммо, бирқанча касаба союз ташкилотлари умумий овқатланишни ташкил этишдаги кўпгина камчиликларни кўриб турсалар ҳам бу камчиликларни йўқотиш тадбирларини амалга оширмаётирлар. Ишчилар учун очилган ошхоналарнинг ба'зиларида овқатларнинг хили кам. Овқатларнинг сифати паст, касаба союз ташкилотлари ошхоналар, чойхоналар, кафелар, буфетлар, магазинларнинг иши устидан яхши контрольлик қилмаётирлар.

Маданий-оммавий ишлар меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабларидан кейинда қолаётганлиги учун конференцияда Ўзсовпроф ва кўпгина касаба союз комитетлари олдига жиддий талаблар қўйилди.

Болалар тўғрисида, уларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг мактабдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказишни яхшилаш масалаларига етарлик аҳамият бермаётирлар ва фақат шу аппаратларининг штатларигагина таяниб иш олиб бормоқдалар.

Бирқанча республика касаба союз комитетларида — кўмир саноати ишчилари касаба союзи, бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи республика комитетларида — коллектив раҳбарлик принципини бузилмоқда, пленумлар ўз вақтида чақирилмаётир.

Ба'зи касаба союз ташкилотларида меҳнаткашларнинг шикоятларига ва аризаларига бюрократларча қараш одат бўлиб қолган. Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчиларини ва хизматчилари касаба союзининг Тошкент область комитетида, рангли металлургия ишчилари касаба союзининг Ўрта Осиё комитетида союз а'золарининг аризалари узоқ вақтдан бери кўрилмай ётибди. В. А. Егоров (Самарқанд), М. Н. Иванушкина (Тошкент) ва бошқа делегатлар айтдиларки, Ўзсовпроф, касаба союзларнинг республика комитетлари ва область Советлари канцеляриячилик-бюрократчилик методларига хотима бермаганликлари, ташкилотчилик ишларини тузук олиб бормаётганликлари ва касаба союз кадрларини тошпирилган иш учун шахсан жавобгар бўлиш руҳида тузук тарбияламаётганликлари, ходимларга юксак талабчанлик билан қарамаётганликлари — касаба союз органларининг ишларидаги камчиликлар юз беришига кўп жиҳатдан сабаб бўлаётир.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Е. Мельников ва ВЦСПС секретари П. Н. Коробова сўзга чиқдилар.

Конференция муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Конференция Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг ва ревизия комиссиясининг янги составини сайлади.

Ўзсовпрофнинг биринчи пленумида 11 кишидан иборат президиум сайланди, бўлимларнинг мудирлари тасдиқланди.

Ўзсовпроф раислигига Ж. Қ. Хўжаев, Ўзсовпроф секретари қилиниб И. М. Парамошкин ўртоқлар сайландилар. (ЎзТАГ).

ҚОРАСУВ РАЙОНИДА

КОМСОМОЛЛАР ТАШАББУСИ БЛАН

Қорасув қишлоқ Советидаги Навоий номли 14-нчи ўрта мактаб комсомол а'золари (секретари ўртоқ З. Ардатова) мактабни обод қилиш ишига актив ёрдам бермоқдалар. Комсомоллар ўз «учлари бланьяти клуб қуриш ҳақида қарор чиқарган эдилар. Ёшларнинг бу ташаббусини мактаб дирекцияси ва ота-оналар комитети қўллаб-қувватлади. Ёшлар 40 минг дона хом ғишт тайёрладилар, шағал келтирдилар. Ота-оналар цемент ва тахта блан ёрдам қилдилар. Ўқувчиларнинг ота-оналари якшанбалик ўтказиб, ғишт терib бердилар.

Мактаб комсомол-ёшлари ва ота-оналар ёрдами туфайли 400 кишн сиғадиган клуб қурилди. Клубни жиҳозлаш ишлари тугалланаётир. Клуб яқинда фойдаланишга топширилади.

КУЧА КЕНГАЙТИРИЛИБ, АСФАЛЬТЛАНДИ

Ленин райони чегараси блан Чирчиқ дар'ёси ўртасидаги Қўйлиқ кўчаси 6 метрга кенгайтирилди ва асфальт ётқизилди. Кўчанинг чап томонида йўлка қилиниб, асфальтланаётир. Калинин посёлкасининг Рисовой кўчаси 3 километр масофада асфальтланди. Кўчанинг Тузал қишлоқ Совети марказигача бўлган қисми ҳам асфальтланади.

ҚУЙЛИҚ ҚИШЛОҒИНИНГ ҚИЁФАСИ УЗГАРМОҚДА

Қишлоқ Советининг маркази тубдан қайта қурилиб обод бўлмоқда. Бу ерда культмаг, раймаг, озиқ-овқат моллари, китоб ва хўжалик моллари сотадиган бирнеча янги магазин қурилди. Бу йил қишлоқ марказида янги маданият ва истироҳат парки ташкил этилади. Район матлубот жамияти 500 кишн сиғадиган клуб қуришни планлаштирди. Паркда стадион ҳам барпо этилади. Булардан ташқари янги типда ҳаммом қурилади. Район ижроия комитети парк, клуб ва бошқа жамоат бинолари қуриш учун 7 гектар ер ажратди.

ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРУЧИЛАР УЧУН УЧАСТКАЛАР

Район ижроия комитети ўтган икки йил мобайнида якка тартибда уй-жой қуручи ишчи, хизматчи, инвалидлар учун 500 га яқин ер участкаси ажратди. Уларга 200 минг сўм миқдорида узоқ муддатли ссуда берди.

ТРАМВАЙ ИККИ ТОМОНЛАМА ҚАТНАМОҚДА

Қорасув районига қатнайдиган 5-нчи трамвай икки изли қилинди, айланмаси қудай жойга кўчирилди. Рисовой кўчаси блан Қўйлиқ ўртасида қатнайдиган 6-нчи трамвай ҳам икки изли бўлади. Ҳозир бунга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Китоб ҳафталиги

«Ўзглавкниготорг»нинг Тошкент Октябрь районидаги 3-нчи китоб магазини мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникули муносабати блан магазин ҳузурида ва шу магазинга қарашли барча киоскаларда Китоб ҳафталиги ташкил қилди.

Китоб ҳафталигини ўтказишдан мақсад кенг ўқувчилар оммасига маданий хизматни янада яхшилаш, ўқувчиларнинг баҳорги каникулда кўнгилли дам олишларига яқиндан ёрдам бериш, ўзбек, рус ва қардош халқлар болалар ёзувчиларининг асарларини кенгроқ ёйишдан иборатдир.

Китоб ҳафталигига бағишлаб «Китоб —билим манбаи» деган чақириқ остида махсус варақа ва афишалар чиқарилди. Айрим ўрта мактабларда ёш китобхонлар конференциялари ўтказилиб, бунда китоб тўғрисида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Т. А'ЛАМОВ.



Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги Дмитров номли 24-нчи мактабда слесарьлик ва дурадгорлик устахоналари ташкил қилинган. Ўқувчилар бу ерда амалий машғулотлар блан шуғулланиб, ўзларида меҳнат малакаси ҳосил қилмоқдалар. **Суратда:** ўқувчилар мактаб устахонасида.

Р. Исаев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Мактаблардан хабар қиладилар

Верхне-волинск районидаги 1-нчи ўрта мактаб ўқувчилари мактаб атрофини кўкаламзорлаштириш ишларини қизитиб юборадилар. Улар мактаб ҳовлиси атрофига планли қилиб 600 тупдан ортиқ ҳархил мевали ва соя беручи манзарали дарахт кўчатлари ўтқазадилар. Бундан ташқари 1,5 гектарлик тажриба участкаси ҳархил ўсимликлар экишга тайёрлаб қўйилди. Парникда ўстирилаётган помидор кўчатларн ҳам етилиб қолди. Яқинда бу кўчатлар тажриба участкасига олиб экилади.

К. Курбонбоев.

* * *

Оржоникидзе районидаги 37-нчи ўрта мактабда синфдан ташқари ишлар яхши ташкил қилинган. Бу ерда радиотехника, фото ва қўл ҳунари тўгараклари мунтазам равишда ишлаб турипти. Х. Абдурахмонов раҳбарлигидаги радиотехника тўгараги а'золари детекторли приёмник ясадилар. Ҳозир Т. Ҳошимов, Р. Обидов, Ф. Маҳамадов, Х. Муҳиддинов каби радиотехникани севучи ўқувчилар икки лампали радиоприёмник ясамоқдалар ва мактабда қурилаётган радиоузелни монтаж қилишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

А. Абдуллаев.

* * *

Яқинда ўтказилган дарахт кўчатларн ўтказиш ўнкунлигида мактаб ўқувчилари актив иштирок этдилар. Оққўрғон районидаги 12-нчи еттийиллик мактаб ўқувчилари биология ўқитувчиси ўртоқ Усмонов раҳбарлигида ўз участкаларига 5000 тупдан ортиқ терак, 400 дона тол, 250 тупга яқин мевали дарахт кўчатлари ўтқазадилар. Гулистон районидаги 1-нчи мактабда ҳам дарахт ўтқазиш ишлари сифатли бажарилди. Мактаб атрофига ўтқазилган 1500 дан ортиқ кўчатни ўқувчилар яхшилаб парвариш қилмоқдалар. Қорасув районидаги М. Горький номли 20-нчи мактаб ўқувчилари ўз парникларида 15 минг тупга яқин помидор кўчати етказдилар. Бу кўчатнинг 10 минг тупдан ортиғи колхозларга берилади.

А. Сорибоев,
А. Имомназаров,
О. Тиловбердиев.

* * *

Тошкент районидаги 19-нчи мактаб ўқувчилари дарсдан сўнгги бўш вақтларида «Сталинград» колхози далаларида ихтиёрий фойдали иш блан шуғулланмоқдалар. Улар 1000 дан ортиқ кўчатга чуқур қазиб бердилар. 1000 тупга яқин олма ва 10 минг тупдан ортиқ терак кўчати ўтқазишда колхозчиларга актив ёрдамлашдилар. Бундан ташқари ўқувчилар колхознинг 15 гектар ерига жўхори экиб бериш ва 30 бузоқни боқишга ва'да бердилар. Ўқувчиларнинг бу ишлари уларнинг меҳнатсевар бўлиб тарбияланишларида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

С. Мирзахўжаев.

* * *

Ота-оналар комитетлари мактабларда ўқув-тарбия ишларини уюштиришда дирекция ва педагоглар коллективининг муҳим ёрдамчидир. Янгийўл районидаги 7-нчи ва 11-нчи мактаблардаги ота-оналар комитети а'золари умумий мажбурий та'лим қонунини амалга оширишда кўпгина фойдали ишларни қилмоқдалар. Комитет ёрдами блан 7-нчи мактабда ўқиб, кейинчалик сабабсиз кетиб қолган 5 болани яна мактаб қучоғига қайтаришга эришди. Шу мактабнинг ота-оналар комитети мактабга оталик қилуви Свердлов номли колхоз правлениеси блан маслаҳатлашиб, колхознинг ўзаро ёрдам кассаси фондидан ўқувчиларга 15 минг сўмлик формали кийимкечаклар сотиб олиб берди.

Ғ. Қўзиев,
С. Зокиров.

Редакция почтасидан

„Парво қилманг...“

Жўнаб кетиш олдида турган автобусга икки студент келиб ўтирди. Улар Оҳангарон районига кетаётган эдилар.

Автобус шофери пассажирларга билет сотабошлади. Орқароққа ўтиргач бир киши билетга пул узатиши блан, шофер унга кўз қисиб қўйди. Студентлар бу имодан ҳеч нима англайолмадилар. Навбат студентларга келди. Улардан бири билет оларкан шоферга ҳайрон бўлиб қаради:

— Бу қанақаси, Оҳангаронгача 9 сўм 45 тийин олишингиз керак-ку?! Мен сизга 10 сўм берсам, сиз менга 7 сўм 25 тийинлик билет берайпсиз.

— Парво қилманг, ука — деди шофер пинагини бузмай ва яна қўшимча қилди, — йўлда бирор киши суриштириб қолгундай бўлса, мен ўзим жавоб бераман.

Шундай қилиб, у Тошкент молия-иқтисод институтининг студентлари Р. Йўлдошев ва Н. Ҳожиматовларнинг ҳаққидан 10 сўмдан пул олиб, уларга 7 сўм 25 тийинлик билет бераверди.

Оҳангарон районидаги Каганович номли колхоз а'золари С. Оллоберганов, У. Ҳақназаров, А. Холтўраевлар ҳам яқинда шу автобусда кетаётганларида юқоридагидек воқиа бўлиб ўтди.

«Тошкент—Оҳалиқ» маршрути бўйича қатнаётган автобусларнинг ҳайдовчилари пассажирлардан «чой-чақа» ундириб олишга одатланиб қолганлар. Улар пассажирларга нисбатан ба'зан кўпол муомала қиладилар, ҳатто айрим кишилардан пул олиб, билет йиртиб бермайдилар. Айниқса «ЕЛ 62—04» номерли автобус шофери П. Сергеев кишилар кўзини бўяб «чой-чақа» ундиришга жуда уста бўлиб қолган. «ЕЛ 42—93», «ЕЛ 61—75» ва «ЕЛ 23—42» номерли автобусларда ҳам шундай воқиалар тез-тез учраб туради.

Бундай юлғичлик қачонгача давом этаркин?

М. ҚАЮМОВ.

Займованинг найранги

Газетхонлар зоркиб кутган вақт ҳам етиб келди. Соат 12 дан оширда сотучи Галина Займова киоскани очди ва:

— Ўртоқлар,—деди у,— ошиқманглар, тартиб блан турингларм, газета ҳаммангизга етади.

Займованинг ишонч билдириб айтган сўзларидан қаноат ҳосил қилган газетхонлар «тартиб блан» бирин-кетин киоска олдига келиб, газета сотиб олабошладилар. Афсуски, тартиб орадан 3—4 минут ўтмасданоқ, бузилиб кетди. Шовқин-сурон кўтарилди.

— Бу қанақаси, ҳали 10—15 кишн олмасдан туриб «Правда» тамом бўлса!

— «Известия»ни ҳам тамом бўлганга чиқарди-я...

Ҳар томондан ана шундай норозилик садолари эшитилабошлади.

Газетхонларнинг норози бўлишига, шовқув-сурон қилишга ҳаққлари бор эди, чунки ўз манфаатини кўзлаган, дўстларини сийламоқчи бўлган Займова 17 дона «Правда» газетасини прилавка тагига бекитиб қўйиб, «газета тамом бўлди» деб э'лон қилган эди.

Мирзаобод район адлия бўлими (бошлиғи ўртоқ Пудовичкин) яккаю-ягона киоскага фақат 50 дона «Правда» газетаси юборган эди, ноҳотки Займова шу қадар оз газетадан 17 донасини уриб қолса, тўғрироғи ҳалққан ўғирласа!

Бу ҳақда Займовадан сўралганда у «анави ташкилотга иккита, манави ташкилотга иккита юбормоқчи эдим» деган ясама жавобни берди.

Ҳаммадан ҳам кишига та'сир қиладиган жойи шу ердаки, алоқа бўлимининг бошлиғи ўртоқ Пудовичкин Займова устидан шикоят қилиб борган газетхонларнинг ҳақли талабларига қўл силтаб қўяқолди, аммо биз Займова ва Пудовичкин ўртоқларга нисбатан қўл силтаб қўяқолмаймиз.

Ж. УСМОНОВ.

Ким айбдор

Гулистон районидаги Крупская номли колхознинг газетхонлари шикоят қиладилар.

— Нега бизга ўз вақтида газета келмайди, — дейдилар улар, — ахир 3—4 кун кечикиб келган газетадан манфаатдор бўлаолмаймиз-ку?!

Талаб жуда тўғри. Хўш, бунга ким айбдор. Район алоқа бўлимими, почтальонларми? Мутлақо ундай эмас, газетанинг ағдарига ўз вақтида бориб етмаслигига колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ С. Шомуродов айбдор. Чунки, у бу муҳим масала блан етарли шуғулланмади, газетхонларнинг талаблари блан қизиқмайди. Бунинг исботи учун, биз колхоз идорасидаги кабинетлардан бирига кирганимизда 3—4 кунлик «Қизил Ўзбекистон», «Тошкент ҳақиқати» ва бошқа газеталарнинг ётганини кўрдик, шуни мисол қилиб кўрсатсак кифоя.

Т. РЎЗИБОЕВ.

Амалга ошган орзу

Юзлари бугдой ранг, истасараси иссиқ, 28-29 ёшлар чамасидаги бир киши кафедра (лекция ўқиладиган минбар) га кўтарилди. У навбатдаги лекция учун тайёрланган материаллар папкасини портфелидан чиқарди-да, дастлаб аудиторияга назар ташлади, сўнг, шошмасдан, энг муҳим қоидаларни алоҳида интонация ва қўл ҳаракатлари блан та'кидлаб, юк ташиш механизациялаш масаласини баён қилишга киришди.

Шунда Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг аудиторияда ўлтирган юқори курс студентлари ўртасида жонланиш сезилди. Уларнинг олдида, яқиндагина шу институтнинг студенти бўлган, диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, эндиликда фан кандидати деган илмий даража олган Саҳи Жумабоев турарди.

Жумабоев лекцияни кекса педагоглардан қолишмайдиган даражада қизиқарли ўқиди. Лекция давомида кафедра блан ёнма-ён ўрнатилган стол теварагида ўтирган ҳурматли профессор ўзининг собиқ шогирдидан бир минут ҳам кўз узмасди...

Лекция тугаб, Жумабоев қўшни хонага кирган ва қоғозларини йиғиштирабошлаган пайтда, биз унинг олдига бордик ва маҳаллий газетадан келган мухбирлитимизни билдириб, суҳбатлашмоқ учун бирнеча минут ажратишни илтимос қилдик. У ҳозир бўш вақти борлигини айтгач:

— Нима ҳақда гаплашамиз? — деди.

Биз унга диссертация ёқлаганидан ва яна илмий ишларини давом эттираётганидан хабардорлигимизни ма'лум қилдик. Шу блан бирга, ундан орзуси қандай қилиб амалга ошганини ва қандай қилиб олимлик даражасига эришганини сўзлаб беришни сўрадик.

Ўртоқ Жумабоев жилмайди-да фикрларини тўплади. У креслони суриб, бизни ўтиришга таклиф қилгач, сўзлайкетди:

Кишида ёшликдаёқ ҳар хил орзулар уйғонади. Менда ҳам транспорт бўйича мутахассис бўлиш орзуси бирданига уйғонган эмас.

Ўртоқ Жумабоев ҳали ёш бола экан, денгизчи ёки учувчи бўлишни орзу қилди. Мактабда ўқиб юрган йилларда бўш вақтларини плонерлар саройида очилган авиомоделчилар тўгарагида ўтказади, ҳатто учучи модельларнинг шаҳар ва республика мусобақаларида ўз модели блан қатнашди.

— Кўпгина болаларда ана шундай қизиқиш бўлади, — деди суҳбатдошимиз давом этиб, — лекин бу уларнинг ҳаммаси келгусида авиаконструктор ёки учучи бўлиб етишади деган сўз эмас. Аммо муҳими шундаки, уларда техникага, машинага, моторга, слесарьлик дастгоҳига, токарьлик станогига қизиқиш, муҳаббат туйғулари уйғонади, улар секин-аста мустаҳкамланиб боради.

Улуғ Ватан уруши бошланиб кетди. Жумабоев ва унинг юқори синфларда ўқучи кўпгина ўртоқлари ўқишни тўхтатиб, заводга кириш ва ишлашга қарор қилдилар, чунки ёш ўсмирлар армияга олинмасди. Фашист босқинчиларни тор-мор этиш учун фронт орқасини мустаҳкамлаш зарур эди. Ўсмирларнинг истаги эса завод ва фабрикаларда ишлаб, Ватан мудофаасига муносиб ҳисса қўшиш эди.

Заводга келган ёшлар, шу жумладан Жумабоев ҳам бу ерда ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишладилар, шу блан бирга кечки мактабда ўқишни ҳам давом эттирдилар. Ҳам ишлаб, ҳам ўқиб турган Жумабоев транспорт ишини, хусусан завод ичкарисидаги траспорт фаолиятини — юк ташиш ва темир йўл транспорти ҳаракатини диққат блан кузатиб борди. У вагонларга юк ортиш, поездлар ҳаракатини уюштириш масалалари блан қизиқар ва темир йўлнинг мамлакат экономикасини, маданиятини гуллатиб-яшнатишда, мудофаа қудратини мустаҳкамлашда қандай муҳим роль ўйнаши тўғрисида кўпроқ ўйлайбошлади. Натижада ёшликда унинг бутун вужудини қамраб олган орзу-истаклар ўрнида янги умид нурлари болқиди — транспортда ишлаш ҳаваси уйғонди.

Ўртоқ Жумабоевнинг отаси Улуғ Ватан урушн йилларида вафот этди. Шундан сўнг унинг дўсти темирйўлчи-инженер Жумабоевлар оиласига тез-тез келиб турадиган бўлиб қолди. Ана шу инженер ёш Жумабоевга Улуғ Ватан урушигача ўрта мактабни тамомлайолмаган йигит ва қизлар учун Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида очилган тайёрлов курсига кириб ўқишни маслаҳат берди. Бу унга ма'қул тушди ва тез орада студент бўлиб олди.

Энди ёш йигитнинг пишиб етилган орзуси амалга ошабошлади. Лекциялар тингланг, курс бўйича проектлаш ишлари, семинарларга тайёргарлик — буларнинг ҳаммаси бошқа студентлар ҳаётидаги каби навбат блан ўтаберди. У ўзи жон-дили блан танлаган касбига эришиш йўлига тушиб олганини янада чуқурроқ англади. Институтда студентлар илмий жамияти ташкил этилганда, унинг секцияларидан бирига а'зо бўлиб кирди. У бу ерда мустақил илмий иш нима эканлигини биринчи бор сезди.

Ўртоқ Жумабоев ҳарбир нарсани билишга қизиқади, ҳарбир ишни охиригача етказишни севади, мураккаб масалани ҳам мустақил ҳал этишга интилади. Агар бирди-ю, бунга қурби етмаса, дарҳол дўстларига, ҳамкасбларига мурожаат қилиб, улардан маслаҳатлар олади. У институтни тамомлагач, энг яхши ёш мутахассислар қаторида Москвага аспирантурада ўқиш учун юборилади.

Москва шаҳридаги темир йўл транспорти инженерлари институтига келган Ўртоқ Жумабоев бу ерда рус аспирант йигит ва қизлари, профессорлари ва студентлари орасидан ўзига ажойиб дўст ва ўртоқлар топди. Улар ўзбек қардошларига фанни мукаммал ўзлаштириш учун ҳамма имкониятларни яратиб бердилар, диссертациясини ёзиш ва тайёрлашда фақат илмий жиҳатдан эмас, балки уни адабий-стилистик жиҳатдан ишлашда ҳам яқиндан кўмаклашдилар. Танланган тема СССРнинг асосий пахта базаси — серқуёш Ўзбекистон республикаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган — «Пахтани ташиш вақтида юк ишларини уюштириш» деган тема эди. Бу тема кўпроқ янги йўлларни ахтариб топишни талаб этар, лекин пахтани ортиш ва ташиш ишини механизациялаш бўйича адабиётлар кам эди.

Ўртоқ Жумабоев ана шуни назарда тутиб, бирнеча марта Қўқон, Наманган, Андижон шаҳарларидаги, Фарғона водисидаги пахта тозалаш заводларида, темир йўл станцияларида бўлди. У ерларда пахта ортишнинг турли схемаларини ўрганди ва анализ қилди. Фарғона областидаги Тошлоқ пахта заводининг тажрибалари унга айниқса катта ёрдам берди. Ёш олимнинг схемаси бўйича 50 тонналн тўрт ўқли вагонларга 38 тонна ўрнига 45—46 тонна пахта ортиш мумкин. Бу прогрессив усулга мувофиқ, оғирлиги 250 килограммли пахта тойлари вагонларга чалқанчасига ётқизилиб, қабатма-қабат жойлаштирилади. Бунда, албатта, юк ортиш ишини механизациялаштириш, айниқса қулайдир...

Ўртоқ Жумабоев бизни ўз диссертациясининг мундарижаси блан таништирди, қанча маблағ ва меҳнатни иқтисод қилишини айтиб берди.

— Менинг диссертациям, — деди у охирида, — жамоатчилик кўригидан муваффақиятли ўтиб, яхши баҳо олди ва менга фан кандидати деган илмий унвон берилди. Шундай қилиб, кўпйиллик орзум амалга ошди. Ҳозир мен севимли ишимнинг мутахассиси қилиб етиштирган шу олий ўқув юртида ўқитувчилик қилмоқдаман. Эндиликда мен юк ишларини механизациялаштириш соҳасидаги янги илмий иш устида ишлаш тўғрисида ўйламоқдаман.

Ҳақиқатда эса Ўртоқ Жумабоев бу соҳадаги илмий-текшириш ишларини кафедранинг илмий раҳбари Ўртоқ М. Гордон блан ҳамкорликда бошлаб юборган. Бу илмий иш унинг аввалги диссертациясида баён қилинган фикрларнинг давоми ва янада ривожлантирилган формаси бўлиб, у «Пахта юклари таннархини камайтириш» деб аталучи темани ҳал этиб беришга бағишланган. Агар бу тема муваффақиятли равишда ҳал қилинса, у вақтда СССРдаги барча пахтачилик районларидаги темир йўллар жуда катта иқтисод қилишга эришадилар.

Биз Ўртоқ Саҳи Жумабоев блан ҳайрлашдик ва унга янги темани ҳал этишда муваффақиятлар тиладик.

Т. ОБИДОВ.

Экишни муваффақиятли ўтказиш учун шу кунларда ҳартарафлама пухта тайёрланайлик!



Бўка районидаги «XIX партс'езд» колхозининг Олим Расулев бошлиқ бригада а'золари ўтган йили 44 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан давлатга 45 центнердан ҳосил топширган эдилар. Улар бу йил ҳам пахта ҳосилини 5 центнерданга ошириш мақсадида фидокорона меҳнат қилиб, барча экин майдонларини чигит экишга тахт қилиб қўйдилар. **Суратда:** илғор бригада бошлиғи ўртоқ **Олим Расулев.**

М. Шарипов ва Р. Шамсуддинов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Беда экиш тезроқ тамомлансин

СОЛДАТСК. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан).** Бу йил Қуйичирчиқ райони колхозларида янгитдан 1047 гектар ерга беда экилади. Бирқатор колхозларнинг раҳбарлари планлаштиришнинг янги тартибини қўлланиб, ер фондидан тўла фойдаланишга катта аҳамият бермоқдалар.

Каганович номли колхоз правлениеси бу соҳада яхши ишлар қилди. Колхозда ички резервлардан фойдаланиб, планда белгиланган 11 гектар ўрнига 17 гектар ерга беда экилди. Экиш жуда уюшқоқлик блан ўтказилиб, беш кунда тамомланди. Сталин номли колхоз уруғлик фонди ҳисобига қўшимча равишда 15 гектар ерга беда экди.

Афсуски, бу тадбирга районнинг бирқатор колхозларида етарли аҳамият берилмаётир.

Ма'лумки, «Қизил шарқ» колхозида чорва моллари учун ем-хашак етишмаганлиги учун чорва моллари ориқ, соғин сигирлар яхши боқилмаётир. Сигирлар сути камайиб кетмоқда. Районда кейинги беш ой ичида ҳарбир соғин сигирдан соғилган сут ўртача 218 литрданга тўғри келган бўлса, бу колхозда 36 литрдан ошмаган.

Бундай кўнгилсиз аҳволга кескин барҳам бериш учун аввало ем-хашак базасини мустаҳкамлаш зарур эди. Аммо колхоз раиси ўртоқ Ойхўжаев бедачиликни ривожлантиришга ёмон муносабатда бўлмоқда. Колхозда бу йил кўпи блан 13 гектар ерга беда экилиши керак. Ўртоқ Ойхўжаев планда кўрсатилган озгина жойни бир амаллаб экиб оламиз, деб ҳозиргача беда уруғини ҳам топишга ҳаракат қилмаган.

Молотов номли, Ворошилов номли, «Янги турмуш» колхозларида ҳам беда экиш яхши бормаётир. Маленков номли колхозда ҳатто кўп ерлар ҳайдалмаган. Натижада шу вақтгача колхоздаги 177 гектар ернинг бир гектарига ҳам беда экилгани йўқ.

Шу кунларнинг муҳим вазифалари унутилмоқда

Верхне-волинск район партия комитетининг секретари ўртоқ Циркунов хотиржамлик блан: «ҳамма нарса тахт, об-ҳаво жўнашиб кетса, чигит экишни бошлаб юборамиз» деди. Хўш, ўртоқ Циркунов айтганидек район колхозларида чиндан ҳам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрилмоқдами? Афсуски, йўқ. «Победа», Карл Маркс номли, Куйбишев номли колхозларни мустасно қилганда, райондаги биронта колхозда ҳам тайёргарлик ишлари шу куннинг талабига жавоб бермайди. Талабчанлик оширилмаётганлиги ва контрольлик кучайтирилмаганлиги, меҳнатни яхши ташкил этиш, пахтакорлар ва механизаторлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани кучайтиришга э'тибор берилмаётганлиги сабабли ер ҳайдаш, бороналаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш, минерал ўғит ва уруғлик чигитларни ташиб олиш, квадрат-уялаб чигит экиш учун кадрлар тайёрлаш каби энг муҳим вазифалар қониқарсиз бажарилмоқда. Бунга райондаги Ленин номли, Шверник номли, Жданов номли, Максим Горький номли колхозларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар яққол мисол бўлаолади.

Экиш кампаниясига саноқли кунлар қолганлигига қарамай, раҳбарларнинг ўз вазифаларига ўтакетган даражада совуққонлик блан қараётганликлари сабабли Жданов номли колхозда (раиси Т. Хожибеков, бошланғич партия ташкилотининг секретари Б. Есергафов ўртоқлар) шу кунга қадар 300 гектарга яқин пахта майдони ҳайдалмаган. Ернинг намини сақлаб қолишда бороналашнинг аҳамияти жуда катта эканлигига қарамай, бу муҳим ишга эндигина киришилган. Колхоз раҳбарлари томонидан механизаторларга қулай иш шароити яратиб берилмаган, плугатор ва сувчилар етишмайди. Шунинг учун ҳам белгиланган ер ҳайдаш ва бороналаш графиги бажарилмаётир: меҳнат унуми кундан-кунга пасайиб кетмоқда. Бу ҳақда колхоз раиси ўртоқ Хожибековдан сўрасангиз, у бепарволик блан ҳамма айбни МТС раҳбарларига ағдаради.

Ўртоқ Хожибеков МТСга да'во қилишни билади-ю, ишлаётган тракторлардан тўла ва унумли фойдаланишга э'тиборсизлик блан қаралаётганлигини тушунгиси келмайди.

Колхозда мўл ҳосил гарови бўлган маҳаллий ўғитларни жамғариш ва уни далага ташиб чиқариш ишлари ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди. Бричка аравалар ўз вақтида ремонтдан чиқарилмаганлиги, етарли ишчи кучлари ажратилмаганлиги сабабли «далага 4 минг тонна маҳаллий ўғит чиқарамиз» деб, дабдабали равишда тузилган план қоғоздагина қолиб кетди. Колхоз бўйича шу кунгача 525 тонна маҳаллий ўғит жамғарилди, холос. Давлат томонидан берилган минерал ўғитнинг эса эндигина 40 процентга яқини ташиб олинди.

Бундай аҳвол ўртоқ М. Мирзахелов раислик қилаётган Ленин номли колхозда ҳам давом этаётир. Райком секретари ўртоқ Циркунов қўлидаги сводкага ишониб, тантанали равишда «Ленин номли колхоз 1385 тонна маҳаллий ўғит жамғаришга муваффақ бўлди» деди. Ваҳоланки колхоз раҳбарларининг бу муҳим соҳага панжа орасидан қараб келаётганликлари натижасида планда белгиланган 4 минг тонна ўрнига, бор-йўғи 385 тонна маҳаллий ўғит жамғарилган. 645 тонна минерал ўғитдан эса эндигина 120 тоннаси ташиб олинди. Колхозда аллақачон ҳайдалган, борона қилиниши лозим бўлган 464 гектар пахта майдонидан эндигина 28 гектари бороналанди. Мавжуд механизация кучидан тўғри ва унумли фойдаланиш ўрнига раҳбарлар ҳайбаракаллачиликдан нарига ўтаолмаётирлар. МТС томонидан юборилган 3 тракторнинг биттаси сифатсиз ремонт қилинганлиги учун бузилиб ётибди. Қолган иккитаси ҳам «бир кун соғ, бир кун касал» бўлгани учун ҳаддан ташқари унумсиз ишламоқда.

Бу йил районда пахта майдонларининг асосий қисмига квадрат-уялаб ва торқаторлаб чигит экиш планлаштирилди. Барча колхозларда ана шу мақсад блан экипаж бошлиқлари, контролёрлар, сим тортучилар, сеялкачилар тайёрланиши керак эди. Афсуски, район колхозларининг раҳбарлари ана шу муҳим ишга жиддий киришганлари йўқ. Айниқса, Ленин номли, Жданов номли колхозларда бу соҳа жуда ҳам оқсаётир. Ленин номли колхозда квадрат-уялаб чигит экиш учун 30 га яқин, Жданов номли колхозда 20 дан ортиқ мутахассис кадр тайёрланиши керак. Броқ колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти раҳбарларининг бепарволиги, ишга совуққонлик блан қараётганликлари туфайли ҳалига қадар машғулотлар бошланган эмас.

Ҳали 200 гектардан ортиқ пахта майдони ҳайдалмаган, 4500 ўрнига эндигина 231 тонна маҳаллий ўғит жамғарилган. Шверник номли колхозда (раиси Р. Хасанов, бошланғич партия ташкилотининг секретари И. Убайқулов), М. Горький номли колхозда планировка қилиш, ер текислаш ва борона қилиш каби шу кунларда бажарилиши лозим бўлган муҳим ишлар унутилиб қўйилмоқда.

Район партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек МТС раҳбарлари кўклам экиш кампаниясига тайёрланишда колхозларда йўл қўйилаётган ана шундай хато ва камчиликларни тезда бартараф қилиш учун курашишлари ва ўз раҳбарлик ишларида кескин бурилиш ясашлари керак.

Б. ХАЛИЛОВ,
У. ЖОНГИТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбирлари.



Ҳувайда Ортиқова Бўка районидаги Ленин номли колхознинг илғор звено бошлиқларидан бири ҳисобланади. Звено а'золари ўтган йили эришган муваффақиятларини мустаҳкамлаш мақсадида бу йил ҳам барча дала ишларини эрта тамомлаб, кўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик блан етиб келдилар. **Суратда:** илғор звено бошлиғи **Ҳ. Ортиқова.**

Р. Шамсуддинов ва М. Шарипов фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Чигитни тез ва сифатли экиш учун

Бўка районидаги Маленков номли колхоз а'золари ўтган йили чигит экишда янги, прогрессив усулни кенг қўлланиб, пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан олдин, ошириб бажаришга эришган эдилар. Квадрат-уялаб экишнинг афзаллигини ўз тажрибаларида кўрган колхоз а'золари бу йил ҳам 850 гектар пахта майдонига чигитни квадрат-уялаб ва тор қаторлаб экишни планлаштирдилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти, бригада бошлиқлари, дала мудирлари чигитни квадрат-уялаб экадиган ҳарбир агрегат учун экипаж бошлиғи, контролёр, режа симларини тортучиларни МТСда ташкил этилган амалий машғулотларда ўқитиб тайёрладилар. Колхоз а'золари МТС механизаторлари блан ҳамкорликда яхлитлаштирилган участкаларни квадратларга бўлиб, контроль чизиқлар ва агрегат йўлини белгилаб қозиқлар қоқиб чиқдилар. Кузда шудгор қилинган ерлар текисланиб, суғориш тормоқлари тозалаб қўйилди.

Шу кунларда колхознинг коммунист А. Субонов, Н. Тиллаева ўртоқлар бошлиқ бригадаларида кўклам дала ишлари ҳарқачонгидан ҳам қизитилиб юборилди. Ўртоқ А. Субонов бошлиқ бригада а'золари бу йил 75 гектар ерга чигитни янги, прогрессив усулда экадилар. Улар бу йил мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан пландаги 23 ўрнига 35 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олганлар. Астойдил меҳнат қилаётган бригада а'золари далага 60 тонна маҳаллий ўғит чиқариб қўйдилар, 3800 метр узунликдаги ирригация-мелиорация ишларини бажардилар, 75 гектар ернинг 60 гектари сифатли қилиб бороналанди.

Шунингдек, А. Бойиров, Б. Назарова ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари ҳам чигит экишга ҳартарафлама пухта тайёргарлик кўраётирлар.

Я. ИСМАТОВ.

Чигит экишга пухта тайёрланилмоқда

Оққўрғон районидаги Сталин номли колхознинг коммунист ўртоқ Абдуқодир Турманов бошлиқ бригада а'золари ўтган йили 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27,5 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни ошириб бажарган эдилар.

Бригада а'золари бу йил дала ишларини анча эрта бошлаб, пахта майдонларини 100 гектарга етказдилар. 4000 метрдан ортиқ ариқ-зовурларни тозалаб, 340 тонна маҳаллий ўғит жамғардилар. Баланд-паст ерлар текисланиб, бороналанди. Бригаданинг ишчан, меҳнатсевар а'золаридан Т. Эргашев, О. Худойбердиева, Ҳ. Эгамова ўртоқлар чигитни квадрат-уялаб экишни яна да мукаммалроқ ўрганиш мақсадида экипаж а'золари блан биргаликда далаларда тажриба ўтказмоқдалар. Улар бу йил мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан давлатга 29,5 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилиб социалистик мусобақа асосида ғайрат блан меҳнат қилаётирлар.

У. МУСОҚОВ.

К О Н С У Л Ь Т А Ц И Я

Сабзавот кўчатларини тувакчаларда етиштиришни кенг қўлланайлик

Карам, помидор, бодринг каби сабзавот экинларининг кўчатларини чиринди тувакчаларида етиштириш катта аҳамиятга эгадир. Агротехниканинг бу прогрессив методи сабзавот экинлари ҳосилини ошириш ва маҳсулотни одатдагидан анча эрта етиштиришга, меҳнаткашларни эртаги сабзавот маҳсулотлари блан барвақт та'минлашга имкон беради.

Чиринди тувакчалар тупроққа кўп миқдор органик ва минерал ўғитларни аралаштириб солиш йўли блан тайёрланади. Шунинг учун озиқ моддаларига бой бўлган бу тувакчалар ўсимликнинг дастлабки ривожланиш даврида унга энг яхши ҳаётий муҳит бўлиб ҳисобланади. Тувакча таркибидаги маҳаллий ва минерал ўғитлар кўчатларни далага чиқариб ўтқазганда уларнинг илдизларининг дала шароитида ҳечбир уринмасдан ривожланишига, демак ўсимликнинг ҳам дадил ривожланиши, ҳосил органларининг тўла равишда пайдо қилишига ёрдам беради.

Бизнинг шароитимизда баҳор температураси анча юқори бўлади. Бу тувакчаларда етиштирилиб, далаларга ўтқазилган кўчатлар нормал ривожланиб, ўсиши блан бирга ҳосилнинг 1,5—2 марта ошишига ва сабзавот пишиғчилигининг 2—3 ва ҳатто 4 ҳафта илгари сурилишига имконият туғилади. Тошкент шаҳри атрофидаги сабзавотчилик колхозлари кўчатларни тувакчаларда етиштириш йўли блан ишлабчиқариш шароитида ҳосилни анча оширишга эришдилар. Қорасув районидаги Максим Горький номли колхозда 1955 йилда кўчатлари тувакчаларда етиштирилиб, далага ўтқазилган помидорнинг ҳар гектаридан 450 центнердан ҳосил олинди. Ҳолбуки, кўчатлар оддий усулда етиштирилганда ҳар гектар ер ҳосили аранг 200 центнерга етди. Сирдар'ё районидаги «XVIII партконференция» колхозининг ўртоқ Мусофиров бошлиқ бригадасида ўтган йили 1,5 гектар ерга тувакчаларда етиштирилган бодринг кўчатлари ўтқазилган эди. Бу бригада а'золари ҳар гектар ердан 577 центнердан ҳосил олдилар.

Броқ 1955 йилда бирқатор колхозларимиз сабзавот кўчатларини тувакчаларда етиштириш ва уларни далаларга ўтқазиб ўстиришда кўпгина хатоларга йўл қўйдилар. Бунинг натижасида экин ҳосили камайди, прогрессив усулнинг барча афзалликларидан тўла фойдаланиш мумкин бўлмай қолди. Масалан, Калинин районидаги Охунбобоев номли колхозда 120 минг тувакча нуқул қўй қийининг ўзидан ясалди. Бу хил тувакчалар ўзининг физик хусусияти жиҳатидан кўчатларнинг нормал ўсиб ривожланишини та'мин этмади.

Сабзавот кўчатларини тувакчаларда етиштириш каби илғор метод ўзининг барча афзалликларини кўрсатганига қарамасдан, кўпгина колхозларнинг раҳбарлари ҳали ҳам бу методни кенг қўлланишга етарли э'тибор бермай келаётирлар. Шунинг учун ҳам Оржоникидзе ва Тошкент районидаги колхозларида кўчатларни тувакчаларда етиштириш плани фақат 25 процент бажарилган. Ба'зи бировлар бу ҳолни тувакчалар тайёрлаш учун маҳаллий ва минерал ўғитларнинг етишмаслиги блан оқлашга уринадилар. Броқ бу важ бутунлай асоссиздир.

Сабзавотчилик колхозларида ҳархил компостлар тайёрланмаслик ҳолларини кечириб бўлмайди. Қорасув районидаги Сталин номли, Максим Горький номли колхозларнинг тажрибаси компостлаш йўли блан тувакчалар ясаш учун энг яхши тупроқ-чиринди аралашмалари тайёрлаш мумкинлигини кўрсатади. Компост тайёрлаш учун гўнг, шаҳар чиқитлари, қуш тезаги, дарахт барги, қипиқ, мол озиғи учун ярамайдиган хашаклар, молхоналар тушамалари, сабзавот барг-поялари, нишхўрт хашаклардан фойдаланиш мумкин бўлади. Буларни ҳамма хўжаликларда топиш ва ҳозирлаш мумкин.

Сабзавотлардан мўл ҳосил етиштириш кўчатларнинг сифатига ва уларнинг ўсиш шароитига ҳамда ёшига боғлиқдир. Бу жиҳатдан уруғдан ўсган кўчатларни тувакчаларга кўчириб ўтқазиш вақти ғоят муҳим. Агар уруғ кўчатлар ўз вақтида кўчирилиб, тувакчаларга ўтқазилмаса уларнинг тутиб кетиши анча қийин бўлади. Броқ, ўтган йил кўпгина колхозларимиз фақат карам кўчатларинигина кўчириб тувакчаларга ўтқазиб, бошқа кўчатларни тувакчаларга олиш планини бажармадилар.

Тувакчага кўчирилган ва парникда пикировка қилинган кўчатларни парвариш қилиш ишлари жуда мас'улиятли, кўчатнинг етилиши ва кейиндан мўл ҳосил олиниши асосан пикировкадан кейинги парвариш ишларига боғлиқдир. Парникка ёки тувакчага пикировка қилинган кўчатларни парвариш қилишда температура шароитига алоҳида э'тибор бериш керак. Температуранинг ортиқча бўлиб кетишига йўл қўйилмайди. Акс ҳолда ўсимлик ғовлаб ўсса ҳам, лекин ривожланишдан кейинда қолади. Пикировка қилинган кўчатлар тартибли равишда суғорилиши ва озиқлантириб турилиши керак. Пикировкадан кейин неча марта озиқлантириш ва қандай ўғитлар ишлатилиши, ўсимликнинг ҳолатига қараб белгиланади. Одатда кўчатлар пикировкадан кейин то далага кўчирилгунча 2—3 марта озиқлантирилади. Биринчи марта пикировка қилингандан кейин 8—10 кун ўтгач, маҳаллий ва минерал ўғит эритмалари сепилади.

Ёпиқ жойларда сабзавот кўчатлари етиштириш иши анча мураккабдир. Бу ишда муваффақият қозониш учун колхозчиларимиз ҳарбир ўсимликнинг табиатини, унинг талабларини яхши билмоқлари керак. Бунинг учун колхозчилар ўртасида кенг агротехника пропагандасини олиб боришимиз керак. Шундагина биз колхозларимизда сифатли кўчат етиштириш, мўл ҳосил олиш, сабзавотчиликдан келадиган даромаднинг кўп бўлишига эришамиз. Сирдар'ё районидаги «XVIII партконференция» колхозининг сабзавотчилик бригадаси (бошлиғи ўртоқ И. Мусофиров) 1955 йилда озгина майдонда етиштирилган сабзавот ва қовун-тарвузлардан 1 миллион 300 минг сўмдан кўпроқ даромад олди. Бу бригада а'золари бу йил ҳам чиринди-тувакчакарда сифатли кўчатлар етиштириб, 4 гектар ерга карам ўтқазиб қўйдилар. 3 гектар ерга помидор, 1,5 гектар ерга бодринг, 8 гектар ерга қовун-тарвуз кўчатлари етиштирмоқдалар.

Барча колхозларимиз сабзавотчиликдаги илғор, прогрессив методларни қўлланиб, меҳнаткашларга кўплаб маҳсулот етиштириб бериш учун курашишлари керак.

Ф. ПИМАХОВ,
биология фанлари кандидати.

АЧЧИҚ ДОРИ

Ҳажвий ҳикоя

Промкомбинат директори Султонмурод Султонхўжаев булутдек ёпирилиб ўз кабинетига кириб келди. Юмшоқ креслога ўтираркан, чап тирсагини ёзув столига тираб, ўнг қўли блан зарда аралаш кнопкани босди. Кнопкани у, ҳар сафаргидай қисқатина қилиб, я'ни узиб эмас, нақ уч минутча бармоғини босиб турди. Юзи чала оқланган девордай оқариб, пишган гилосдек қизғиш лаблари енгил титраб, пешонаси тиришиб кетганди. Тўладан келган секретарь хотин шошилиб қолди, қоқилиб-сурилиб, кабинетга кириб келди.

— Менга мебель цехидан дурадгор Болтаевни чақириб беринг! Оёғи ерга тегмай етиб келсин! — деди.

Секретарь хотин намхуш лабларини қисганича, худди биров уни кабинетда ушлаб қоладигандай бесўнақайлик блан югуриб чиқиб кетди.

Султонмурод Султонхўжаев ҳамон зардасидан тушмай костюмининг тугмаларини ечди-да, қўйин чўнтагидан ғижимланган газетани олиб, стол устига ирғитди.

— Мен сенга танқид қилишни кўрсатиб қўяман! Хизматчилар блан қўпол муомала қилади, эмиш! Нима, ҳар қайсинг блан оғиз-бурун ўпишишим керакми? Ёки ҳар бирингнинг қўлингдан етаклаб уйимга олиб бориб меҳмон қилайми? Шу ҳам гап бўлдию! Товба, қўли ҳали арра блан рандага келмайди-ю, қалам ушлашига бало борми? Бу кишининг бизни кулга булаб, косовга санчиб, фельетон ёзишини қара-я! Отангга балли-эй, мирзавачча!..

Султонмурод Султонхўжаев сариққа мойил бароқ қошларини чимириб, ўнг қўлининг панжаларини кериб, стол устида ётган газетани ғижимлади. Унинг жаҳли, зардаси худди ҳовучадан тўлиб, ҳовлига тошиб чиқаётган сувдек қалбини тўлдириб, кенг кабинетга тошиб чиқарди.

— Хўп сенларга қуйидан бўладиган танқидни кучайтирларинг деб қолишган экан-да! Танқид деса таёқ олиб югуради булар. Айтдим-а, кейинги вақтларда қўлига болта ушлаган Болтаев кўзимга кўринмай қолди деб! У киши фельетон ёзаётган эканлар-да! Йигит кишига етмиш ҳунар оз деб шу ҳунарни топгандир-да!.. — У бармоқларини газета устида ноғора қиларкан, кўзи таниш сатрларга тушди: «Директорнинг сиркаси асло сув кўтармайди. Агар бирон марта танқид қилиб қўйсанг, бўлди, ишдан бўшаб қутилмасанг, ундан сра қутилаолмайсан. Айниқса қуйидан бўладиган танқид...» шу сатрларга келганда директорнинг панжалари ноғора чалишдан тўхтаб, унинг боши газета устига пастроқ тушиб келабошлади. Шу фурсатда унга қараган киши: «Мана ҳозир Султонмурод Султонхўжаев газетани, албатта, калла қилади!» деб ўйлайди. Унинг қалин лаблари яна тез пичирлай кетди: — «... ни ёқтирмайди. Жиззакилик қилиб, осмонга сапчийди. Мажлисларда эса муштини кўкрагига гурс-гурс уриб: «Ўртоқлар! Қўрқмай, дадил танқид қилаверинглар! Танқид келгусининг меваси. У дорига ўхшаган гап. Ичсанг, я'ни эшитсанг аччиқ, лекин фойдаси катта. Касалингни тузатади. Танқид — аччиқ дори! Танқидга бизда йўл кенг очиқ!» дейди. Сиз, ана шу сўзлардан беш минут ўтмай чиқиб уни бир танқид қилиб кўринг...».

Кабинет эшиги очилди. Султонмурод Султонхўжаев дарҳол газетани йиғиштириб олиб, стол тортмасига тиқиб қўйди. Остонада секретарь хотин, орқасидан мебель цехининг ишчиси дурадгор Болтаев кўринди. Улар олдинма-кетин ичкарига кириб келишди. Новча, қотмадан келган, ёзнинг жазирама иссиғида ҳам, қишнинг қаҳратон совуғида ҳам ҳамиша кўкиш духоба дўппи кийиб юрадиган дурадгор йигит Болтаев 24—25 ларга кирганди. У ҳечнарсадан тап тортмай йирик ва салмоқли қадам ташлаб столнинг бериги томонида тўхтади ва «салом!» деди. Султонмурод Султонхўжаев жавоб қилмай юзини тескари ўгирганича алланимани ўйларди. Кабинетдаги оғир жимликни девордаги катта осма соатнинг чиқ-чиқигина бузарди. Секретарь хотин ҳам ана ўша «чиқ-чиқ»қа бир қараб олди-да, худди ухлаб ётган одамни уйғотиб юборишдан чўчингандек оёқ учида юриб, кабинетдан чиқиб кетди. Эшик ёпилганидан кейингина Султонхўжаев кўзларини чақчайтириб Болтаевга тикилиб қаради.

—Ўтган ҳафта мебель цехидан магазинга юборилган шкаф брак бўлиб, комбинатга қайтариб келинганидан хабаринг борми?

—Бор.

—Ҳозир складда турибди, биласанми?

— Ҳа. Лекин, бу шкафни...

—Тўхта, мен гапирганда сўзимни бўлмай қулоқ солиб тур!—Султонмурод Султонхўжаев бир елкасини кўтариб хўрсинди. Сукут этди. Сўнг:—ўша шкаф учун сени ишдан бўшатишга тўғри келади,—деб қўшиб қўйди. Кейин йўғондан келган бўйнини чўзиб, деразадан ташқари қаради. Кўмкўк осмонда худди муз устига тўкилиб кетган қатиқдек оппоқ булут кўзга ташланди. Султонмурод Султонхўжаев ўша «тўкилган қатиқ»дан кўз узмай ўзини сипо тутиб, сўзида давом қилди:—Мен муштдек вақтимдан ҳаммага яхшилик қилиб ўрганганман. Сенга ҳам жабр бўлмасин. «Ишдан ҳайдалди» деган буйруқ олсанг бошқа ерда яна ишга жойлашишинг амри маҳол бўлади. Яхшиси «ўз хоҳишим блан бўшайман» деб ариза ёз! Ҳозир шу қулай сенга!

—Ахир шкафни ясаганда...

—Отанг темирчи ўтганми ўзи, гапни чўзиб нима қиласан?—Султонмурод Султонхўжаевнинг жаҳли чиқиб кетди.—Ортиқча гапга ҳозир қулоғим кар. Аризангни ёз!

— Мен тушунтирай ахир, шкаф ясалганда мен...

—Оббо! Чиқиб секретарьдан буйруғингни тўғриласангчи!

—Мен ариза ёзганим йўқ-ку?

—Ёзмаган бўлсанг, чиқиб ёз.

Болтаев сўзи оғзида қолиб, таажжуб ичида кабинетдан қабулхонага чиқди.

— Бу иш битди! — деди Султонмурод Султонхўжаев елкасидан тоғни ирғитиб ташлагандай ўзини енгил сезиб. Унинг юзидаги аччиқ заҳарханда ўрнини ёқимли кулги эгаллади.—Ҳах, бу нарса хамирдан қил суғирганчалик нарса экану! Мен фельетончидан қўрқиб юрибман. Қуйидан бўлган танқидга биз ҳам қуйидан қотириб жавоб қилиб қўяқолдик. Боланинг авзойига қараганда энди икки дун'ёда ҳам қўлига қалам олмайдиган бўлди.

Эшик очилиб, остонада комбинатнинг омбор мудири Пардаевнинг пуфлаб шиширилгандай семиз гавдаси кўринди.

—Салом бердик, хўжайин!

— Э, сенми? Кел! Биласанми Мирҳоди, мен ҳозиргина Болтаевнинг ковушини тўғрилаб қўйдим!—Султонмурод Султонхўжаев мамнун жилмайди. Ҳатто ўрнидан туриб кетди. Кафтини-кафтига ишқаб давом этди: — энди ташвишдан сал қутилдик. Бемалол оёқни узатиб ўтирсак бўлади.

— Ростданми? Бола фақир тарвузи қўлтиғидан тушиб қабулхонадан чиқиб кетди, —Пардаев семиз гавдасини зўрға букаётгандай ўнғайсиз эгилиб, курсига ўтирди.—Чамамда чакки бўпти, хўжайин. Болтаев қўй оғзидан чўп олмаган йигит.

—Қўй оғзидан чўп олмаган? Ия, сиз ҳали ўқиганингиз йўқми? —У кескин ҳаракат блан тортмадан ғижимланган газетани олиб унга ирғитди.—Манавини ўқингчи, кейин нима деяркансиз? Фельетон тегини кўринг. Ҳа, катта қилиб «С. Болтаев» деб ёзиб қўйишипти!

Пардаев бутун гавдасини ўгириб, стол устига тушган газетани олди. Шошилиб фельетонга кўз югуртирди. Кейин савол назари блан Султонмурод Султонхўжаевга қаради:

— Ҳа, нега бақраясан?

—Сизнинг тўғрингиздагиси—шуми?

—Ҳа-да!

—Бу ерда бошқа гап-ку!

— Нега ахир? «Танқидни кўтараолмайди. Цехлар брак маҳсулот беради», хуллас шунга ўхшаган бир этак гапларни ёзишган-ку!

— Йўқ, ахир бу ерда бошқа гап.

—Ия, сизга ҳам бир бало бўлганми? Болтаев обрўйимни тутдак тўкиб ўтирипти-ю, сиз: «уни қўй оғзидан чўп олмаган», —деб юрибсиз!

—Гап унда эмас, буғдойда!—бирдан куйдирган калладек тиржайди Пардаев,— бу гапларингизнинг бари тўғри, хўжайин, лекин сиз тегирмончи деб кўсани уйғотибсиз.

— Нега ахир, бугун аллаким телефон қоқиб, «газетадаги фельетонни ўқидингизми?» деди-ю! Бунинг устига кеча эрталаб уйдан чиқиб ишхонага келаётган эдим, эшик тегида газета ётипти. Почтальон сумкасидан тушиб қопти-да, деб ёнимга солиб келавердим. Бугун эрталаб бўлса бир ошнамни учратиб қолдим. У ҳам салом йўқ, алик йўқ, «бугунги фельетонни ўқидиларми?» деб кулди. Ўқиганим йўқ дегани уялиб: «ба'зан шундай бўлади-да. Ўзингиздан ўтар гап йўқ. Танқид—аччиқ дори, кишидаги касални тузатади» дедим. Ўзим эса муюшга етиб, ишхонамиз кўчасига бурилдим-у, кечаги газетани очиб, ана шу фельетонни ўқиб, тепа сочим тикка бўлиб кетди. Нима гаплигини дарҳол сездим. Телефон қўнғироғи мағзига ҳам энди тушундим. Уйим эшиги тегида газета бежиз ётмаган экан! Фельетондаги имзога қарасам, ўзимизнинг Болтаев, дурадгор, шартта чақирдим-у...

— Буларнинг ҳаммаси тўғри, лекин фельетонда сизнинг фамилиянгиз йўқ! Бу ерда бошқа промкомбинат, бошқа директор тўғрисида гап бораяпти!

—Нима?—Султонмурод Султонхўжаев жўжа устига ташланган калхатдек газетага ташланди. Уни ўқиган сари Султонмурод Султонхўжаевнинг чеҳраси ёришиб борди, лекин бирдан башараси қийшайиб, қўллари қалтираб кетди.

—Эй, Мирҳоди, тез югуринг, Болтаевни оёғини ерга тегизмай топиб келинг! Тўхтанг, яхшиси бу ерга олиб келмай, ўзингиз у блан тиллашинг. Буйруқ бекор бўлди, денг. У-бу ва'да қилинг. Мен... ҳалиги...

Пардаев лапанглаганича ўрнидан туриб, бесўнақай қадам отиб чиқиб кетди.

—Кўп имилламанг. Бўлақолинг! Унга яхши мутахассиссан, қўлинг гулдай, ҳунаринг... Э, ишқилиб бирёқли қилинг. Ўзимиз орага тушдик, денг!

Пардаев чиқиб кетиб, эшик ёпилгунча Султонмурод Султонхўжаев унинг орқасидан жавраб қолди.

Ишнинг буёғи жуда тез ҳал бўлди. Болтаев дарҳол топилди. У комбинат партия ташкилоти секретари кабинетида ўтирарди. Пардаев Болтаевни қўярда-қўймай директор кабинетига бошлаб келди. У яна йирик ва салмоқли қадам ташлаб, Султонмурод Султонхўжаев олдига кириб келди. Бу гал унинг юзида ҳайрат ифодаси кезарди. Директорнинг унга кўзи тушди-ю, бирдан чеҳраси очилиб кетди.

—Ўртоқлар қаттиқ илтимос қилишди! Ҳалиги... Бўпти. Цехингга бориб ишингни қил!—деди у хурсанд.

—Йўқ, аввал ҳақиқат қилиш керак!—деди Болтаев қат'ий овоз блан.—Биринчидан, магазиндан қайтиб келган брак шкаф техника контроли бўлимидан ўтказилмай, магазинга ошириб юборилганда мен бетоб, касалхонада ётган эдим. Афсуски, шкаф ишланганда ўзим цехда бўлмаганман, бракка йўл қўймас эдик. Иккинчидан...—Болтаев нима учундир бир дақиқа жим бўлиб қолди. Султонмурод Султонхўжаев худди уйқудан бевақт уйғотилган боладек кўзларини жовдиллатиб, Болтаевга хомуш тикилиб ўтирарди.

Кабинет эшиги очиқ қолган эди. Остонада партия ташкилоти секретари, секретарь хотин, Пардаев, яна аллаким турарди.

—Иккинчидан, ўртоқ Султонхўжаев!— баланд овоз блан деди Болтаев,—гапнинг очиғи, сиз бугунги газетани ўқиб мени ишдан бўшатаяпсиз, деб ўйлаган эдим. Энди буйруқнинг бекор бўлганини эшитиб, ҳайрон бўлиб қолдим. Ёки сиз ҳали бугунги газетани ўқиганингиз йўқми? Уни ўқиб кўринг! Шундан кейин цехга бор десангиз...

Болтаев жумласини тугатмай қўлидаги буклоғлиқ газетани Султонхўжаевга узатди. У олишини ҳам, олмаслигини ҳам билмай, бақрайиб қараб турарди. Кўзлари яна лип-лип учиб, лаблари титраб кетди.

Пардаев югуриб келиб, Болтаев қўлидан газетани олди. Унинг ички саҳифасини шалдиратиб очиб, овозини чиқариб:

—«Бир қолоқ комбинат ва унинг танқидни севмовчи директори ҳақида...» деб, ўқиди-да деворга суяниб, қотиб қолди. Султонмурод Султонхўжаев эса худди офтобга ташлаб қўйилган ўсмадай бўшашди, шалвиради.

Болтаев Султонмурод Султонхўжаев жавобини кутиб, ҳамон индамай турарди.

—Йўқол!—деяолди бўш қопдай шалвираб тушган Султонмурод Султонхўжаев.

Болтаев мийиғида кулиб, бугунги газетани стол устида қолдириб, йирик ва салмоқли қадам ташлаб кабинетдан чиқиб кетди.

Сами' **АБДУҚАҲҲОР.**

А. И. Микояннинг Бирмада бўлиши

РАНГУН, 30 март (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов ва уларнинг ҳамроҳлари бугун дўстона визит билан Бирма Иттифоқи пойтахти Рангунга келдилар. Аэродромда уларни Бирма Иттифоқи бош министри У Ну, Бирма ҳукуматининг министрлари ва дипломатия корпусининг вакиллари кутиб олдилар. Бирма бош министри У Ну А. И. Микоянни табриклаб рус тилида нутқ сўзлади. Аэродромда А. И. Микоян жавоб нутқи сўзлади.

* * *

РАНГУН, 31 март. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов ва уларнинг ҳамроҳлари кеча расмий визит билан Ҳиндистондан буерга келдилар.

Рангундаги Мингаладон аэродромида А. И. Микоян билан Ш. Р. Рашидовни Бирма бош министри У Ну, саноат министри У Чжо Нейн, молия министри У Тин, савдо-сотиқни ривожлантириш министри У Рашид, та'минот министри Бо Мин Гаунг, юстиция министри У Кин Маунг Лат ва бошқа расмий кишилар, СССРнинг Бирмадаги элчиси А. Д. Шчиборин ва совет элчихонасининг ходимлари, шунингдек Рангундаги бирқанча дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, Бирма ва четэл журналистлари кутиб олдилар.

Совет самолёти «ИЛ—14» Мингаладон аэродромига қўнди. Бирма бош министри У Ну, Бирма ҳукуматининг министрлари, ва СССРнинг Бирмадаги элчиси А. Д. Шчиборин А. И. Микоян ва Ш. Р. Рашидов ўртоқларни ҳамда уларнинг ҳамроҳларини табрикладилар. Бирма қизлари А. И. Микоян билан Ш. Р. Рашидовга гулчамбар ва гулдасталар тақдим этдилар. Шундан кейин А. И. Микоян кутиб олиш учун саф тортган фахрий қоровул ёнидан ўтди. Оркестр Совет Иттифоқи ва Бирма давлат гимнларини ижро этди.

У Ну аэродромда ўрнатилган микрофон олдида Бирма ҳукумати ва Бирма халқи номидан меҳмонларни табриклади. Вазият, деди у, А. И. Микояннинг Бирма Иттифоқига келиш ҳақидаги таклифини тезликда қабул қилишига имконият берганлигидан жуда хурсандман. У Ну Микоян Бирмага қилган сафаридан мамнун бўлиб қолади, деб умид билдирди.

Шундан кейин А. И. Микоян табрик нутқи сўзлади. А. И. Микоян бундай деди:

Бош министр жаноблари! Жаноблар!

Мен сизнинг мамлакатингизга келишимдан жуда шодман. Бу мамлакат яқин пайтгача, я'ни сизнинг ҳурматли бош министрингиз азиз меҳмон сифатида Совет Иттифоқига келган пайтгача биздан жуда узоқда турар эди.

У Ну ўзи учрашган барча совет кишиларининг самимий ҳурмати ва муҳаббатига сазовор бўлди. У Ну бизнинг Ватанимизда бўлган вақтида мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликка асос қўйди.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларимизнинг Бирма Иттифоқига қилган сафари, Бирма халқи ва ҳукуматининг уларни самимий кутиб олганлиги ана шу дўстликни мустаҳкамлади. Совет Иттифоқи билан Бирма ўртасидаги қардошларча дўстлик ҳали ёш, бу дўстлик ўрнатилганига ярим йилча вақт бўлди, аммо, бу дўстлик ҳар иккала мамлакат ўртасида етилган дўстлик бўлиб қолди. Бу мамлакатларнинг ҳарбири ўз йўли билан ўз халқларини бахтли қилишга интилмоқда ва бутун дун'ёда тинчлик учун курашмоқда.

Совет Иттифоқи халқлари ва ҳукумати номидан Бирма Иттифоқи халқларига ва ҳукуматига катта салом топширишимга ижозат бергайсиз.

Микоян ва Рашидов ўртоқлар ҳамда уларнинг ҳамроҳлари автомашиналарга ўтирадилар ва фахрий эскорт кузатишида президент резиденциясига қараб йўл оладилар. Улар Бирмада бўлган вақтларида шу резиденцияда истиқомат қиладилар.

* * *

РАНГУН, 31 март. (ТАСС). Кеча Бирма Иттифоқи президенти доктор Ба У СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов ва уларнинг ҳамроҳлари, СССРнинг Бирмадаги элчиси А. Д. Шчиборин ҳозир бўлдилар.

Тушдан кейин А. И. Микоян Бирма халқининг миллий-озодлик курашида унинг йўлбошчиси бўлган Аунг Сан қабрига гулчамбар қўйди.

Шундан кейин А. И. Микоян, Ш. Р. Рашидов ва уларнинг ҳамроҳлари тинчлик ибодатхонасини ва муқаддас ғорни — VI будда синоди мажлислари ўтказиб турилаётган жойни бориб кўрдилар.

А. И. Микоян ва Ш. Р. Рашидов Рангуннинг чекка жойларидан бирида намунали уй-жойлар қурилган шаҳарчани ҳам бориб кўрдилар.

Буюк Британия компартиясининг XXIV с'езди

ЛОНДОН, 30 март. (ТАСС). Бугун Лондондаги Баттерси райони ратушасида Буюк Британия Коммунистик партиясининг XXIV с'езди очилди. С'ездда ҳал қилувчи ва маслаҳат овози ҳуқуқи билан 700 га яқин делегат қатнашмоқда.

С'ездни компартия ижроия комитетининг раиси Уильям Галлахер қисқача кириш нутқи билан очди.

Шундан кейин партиянинг кейинги икки йил мобайнидаги фаолияти тўғрисида ижроия комитетининг ҳисобот доклади тасдиқланди.

Партиянинг бош секретари Гарри Поллит Буюк Британия Коммунистик партияси ижроия комитетининг сиёсий ҳисобот докладини қилди.

Поллит айтдики, Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик лагерь мамлакатларининг буюк социал, иқтисодий ва сиёсий муваффақиятлари тинчлик йўлидаги курашга ҳал қилучи та'сир кўрсатди.

Поллит Англия ишчилар синфи консерваторларнинг ташқи сиёсатига тобора қаттиқ қаршилик кўрсатаётганлигини та'кидлади, Англиянинг иқтисодий аҳволига тўхталиб ўтди ва меҳнаткашларнинг ишҳақини ошириш учун, корхоналарни ёпишга ва ишсизликка қарши, Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш учун, ҳарбий харажатларни камайтириш учун, бой табақаларга солинадиган солиқни кўпайтириш ва социал тадбирларни кенгайтириш учун кураш программасини баён қилиб берди.

Поллит Англиядаги ҳозирги сиёсий вазиятни характерлаб бундай деди: Ҳозирги вақтда шундай сиёсий шароит вужудга келмоқдаки, бу шароитда ишчилар ҳаракатида консерваторлар ҳукуматига нисбатан чинакам оппозицияга, кенг миқ'ёсдаги халқ оппозициясига етакчилик қилаолади. Доклада айтилишича, коммунистик партия шу мақсадга эришиш учун қўлидан келган бутун чораларни кўриш мажбуриятини ўз устига олади.

Сиёсий аҳвол, деди Поллит, консерваторлар ҳукуматига нисбатан лейбористларни, коммунистларни, касаба союз активларини, кооператив ташкилотларининг а'золарини, интеллигенцияни, майда буржуазияни ва умуман прогрессив фикр юритучи барча кишиларни ўз ичига олган жипслашган оппозицияни вужудга келтиришни талаб этади.

Бундай программа, деди Поллит, бирлашган ишчилар ҳаракати томонидангина амалга оширилиши мумкин. Поллит лейбористлар партиясига мурожаат қилиб, биргаликда ҳаракат қилишга чақирди.

Поллит айтдики, ҳозирги вақтда Буюк Британия Коммунистик партиясининг 33.959 а'зоси бор.

Поллит Англияда капитализмдан социализмга ўтиш имкониятларига тўхталиб, бундай деди: «Биз ўз тарихимизга, ўз традицияларимизга ва ўз имкониятларимизга мувофиқ суратда социализмга ўтиш йўлимизни топамиз. Шу сабабдан, биз ўз программамизни — «Британиянинг социализм сари бориш йўли» программасини ишлаб чиқдик.

Докладдан кейин музокаралар бошланди.

С'ездда Хитой Халқ Республикаси, Италия, Германия Демократик Республикаси, Болгария ва Албания коммунистик ва ишчи партияларидан олинган табрикномалар ўқиб берилди.

С'езд Англия ҳукуматининг Болгария Коммунистик партияси вакилига унинг Англияга келишига рухсатнома беришдан бош тортганлигига қарши норозилик билдириб қарор қабул қилди.

Қуролсизланиш масаласи юзасидан Совет ҳукуматининг янги таклифи

ЛОНДОН, 30 март. (ТАСС). Бугунги журналист доираларда олинган ма'лумотларга қараганда, БМТ Қуролсизланиш комиссияси Кичик комитетининг 27 март мажлисида СССР вакили А. А. Громико қуролсизланиш масаласи юзасидан Совет ҳукуматининг янги таклифини Кичик комитетнинг муҳокамасига тақдим этган.

Ма'лумки, Совет ҳукумати 1955 йил 10 майда қуролсизланиш масаласи юзасидан таклифлар киритган эди. Бу таклифлар ана шу муҳим проблемани ҳал этиш учун реал асос вужудга келтиради. Ғарб давлатлари бу таклифларга қўшилмадилар, атом қуролини тақиқлашга ва уни давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлашга рози бўлмадилар. Шундай қилиб, қуролсизланиш проблемаси, я'ни атом қуролини тақиқлаш масаласи ҳам, қурол-яроғларни қисқартириш масаласи ҳам узоқ вақтдан буён ҳал этилмай келмоқда.

Совет ҳукумати ядро қуролини тўла ва сўзсиз тақиқлаш ҳамда уни давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлаш тарафдори бўлиб келган эди, ҳозирда ҳам шунга тарафдордир. Аммо, қуролсизланиш ишини тўхтаб қолган жойидан силжитиб юбориш ва бу масалада ижобий натижаларга эришиш учун Совет ҳукумати янги таклифи илгари сурди. Бу таклифда қуролли кучларни ва оддий типдаги қурол-яроғларни камайтириш масаласи атом қуролини тақиқлаш ҳақидаги масалада келишиш билан боғлиқ қилиб қўйилмайди. Бу ғапдан, Совет ҳукумати атом ва водород қуролини тақиқлаш тўғрисида бир қарорга келиш мумкин эмас деб ҳисоблайди, деган ма'но келиб чиқмайди. Бунинг аксича, Совет ҳукумати умумий тинчлик ва хавфсизликни та'минлаш учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шу проблемани яқин вақт ичида ижобий тарзда ҳал этиш учун бутун чорани кўриш ниятидадир.

Хабар беришларига кўра, Совет ҳукуматининг янги таклифи оддий типдаги қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш тўғрисида халқаро битим тузишни кўзда тутади. Бу эса атом ва водород қуролини тақиқлаш ҳамда бу қуролни давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлаш ҳақида бир битимга келишга ёрдам беради. Оддий типдаги қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш тўғрисида халқаро битим тузишни кўзда тутади. Бу эса атом ва водород қуролини тақиқлаш ҳамда бу қуролни давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлаш ҳақида бир битимга келишга ёрдам беради. Оддий типдаги қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш тадбирларини 1956—58 йиллар мобайнида амалга ошириш таклиф этилади.

Битим кучга кирган пайтдан бошлаб дастлабки уч ой мобайнида давлатларнинг ўз қуролли кучларини ва оддий типдаги қурол-яроғларини 1955 йил 31 декабргача бўлган қурол-яроғ ва қуролли кучлар даражасига нисбатан қўпайтирмасликлари ва қуролли кучлар ҳамда қуролланишга чиқарадиган маблағларини 1955 йил 31 декабрьда тамом бўлган йил мобайнида шу мақсадда сарфланган харажатлар даражасига нисбатан оширмасликлари кўзда тутилади.

Ана шу манба'лардан олинган ма'лумотларга қараганда, совет таклифларида ана шу уч ойлик муддат ўтганидан кейин АҚШ, СССР ва Хитойнинг қуролли кучларини 1 миллион кишидан тортиб бир ярим миллион кишигача бўлган даражагача камайтириш чораларини ўтказишга киришишлари, Буюк Британия ва Франциянинг эса 650 минг кишигача бўлган даражагача камайтириш чораларини ўтказишга киришишлари кўзда тутилади. Оддий типдаги қурол-яроғлар, шунингдек давлатларнинг қуролли кучларга ва оддий типдаги қурол-яроғларга чиқарадиган маблағлари ҳам шунга мувофиқ суратда камайтирилади.

Бошқа давлатларнинг қурол-яроғлари ва қуролли кучларини камайтириш миқдорига келганда, бу миқдор қурол-яроғларини ва қуролли кучларни ялпи камайтириш юзасидан ўтказиладиган Жаҳон конференциясида белгиланади. Шу билан бирга, мазкур давлатлар қуролли кучларининг даражаси 150—200 минг кишидан ортмайди.

Ана шу тадбирларни амалга ошириш натижасида бўшаб қолган маблағлардан юқорида айтилган давлатларда яшовчи халқларнинг фаровонлигини ошириш учун ҳам, иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш учун ҳам фойдаланиш таклиф этилади. Бу ёрдам учун БМТ доирасида махсус фонд вужудга келтирилади.

Хабар беришларига кўра, совет таклифларида халқаро контроль органининг ҳуқуқлари ва ваколатлари санаб кўрсатилади. Ана шу халқаро контроль органи давлатларнинг оддий типдаги қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш тўғрисидаги битимни бузучиларга нисбатан огоҳлантириш ва бундай бузишларни йўқотиш чоралари тўғрисида Хавфсизлик Кенгашига тавсиянома киритиши ҳам кўзда тутилади. Битимда қатнашучи давлатлар ана шу орган тузилганидан кейин бир ой ичида ўз қуролли кучлари, оддий типдаги қурол-яроғлари ва ҳарбий эҳтиёжларга бўладиган чиқимлари тўғрисида мазкур органга расмий суратда тўла ма'лумот топширадилар.

Совет таклифларида Европада қурол-яроғларни чеклайдиган ва инспекция қиладиган ҳамда Германиянинг ҳар иккала қисми территориясини, шунингдек уларга қўшни бўлган давлатларни ўз ичига оладиган зоналарни вужудга келтириш, я'ни қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш соҳасида муҳим қадам сифатида шундай зонани вужудга келтириш кўзда тутилганлиги э'тиборни жалб этмоқда. Тегишли давлатлар бу Битимда АҚШ, СССР, Буюк Британия ва Франциянинг ана шу зонадаги бошқа давлатлар территориясида жойлашган қўшинларининг қат'ий даражасини кўзда тутишлари керак. Ана шундай даражалар тўғрисидаги масала манфаатдор давлатлар томонидан қараб чиқилиши лозим. Битим юқорида кўрсатилган зонада атом ҳарбий қўшилмаларини ва атом ҳамда водород қуролининг қандай бўлмасин бирон турларини жойлаштиришга йўл қўймасликни кўзда тутиши керак. Зонага кирган территорияларда қурол-яроғларни чеклаш юзасидан олинган мажбуриятларни бажариш учун Битимда қатнашучи давлатларнинг қуролли кучлари ва қурол-яроғлари устидан қўшма инспекция белгиланади.

Шу билан бирга, журналистларнинг айтишича, совет таклифида зона тўғрисидаги масала юзасидан бир битимга келинганига қадар Германия территориясида қўшинлари бўлган тўрт давлат ана шу қўшинларни бу давлатларнинг ҳарбири ўз ихтиёри билан белгилаган миқдорларда камайтириш чораларини дарҳол амалга оширади, деб умид билдирилади.

Журналист доираларда яна шу фактга катта аҳамият берилмоқдаки, Совет таклифида қуролсизланиш масалалари юзасидан бир битимга келиниши ёки келинмаслигидан қат'и назар, давлатларнинг бу соҳада қисман чоралар кўриши ҳақида, чунончи термоядро қуролини синаб кўришни сўзсиз тўхтатиш тўғрисида, Германия территориясидаги қўшинлар ихтиёрида атом қуролининг бўлишига йўл қўймаслик ҳақида (шу билан бирга тегишли тадбирлар уч ойлик муддатда амалга оширилиши лозим), давлатларнинг ҳарбий бюджетларини аввалги йилдаги ҳарбий бюджетларга нисбатан 15 процентгача бўлган миқдорда камайтириш тўғрисида бир қарорга келишлари кўзда тутилади.

Хабар беришларига кўра, совет таклифида Хитойнинг оддий типдаги қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш тўғрисидаги Битимдан келиб чиқадиган мажбуриятлари ҳақидаги масала Хитой Халқ Республикасининг иштироки билан қараб чиқилиши лозим эканлиги шарт қилиб қўйилади.

ССРНИНГ БУЮК БРИТАНИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ЛОНДОН, 30 март. (ТАСС). Кеча СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари, электростанциялар министри Г. М. Маленков бошчилигидаги совет энергетикларининг Лондонда бўлган группаси шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида лорд-канцлер Килмюр, Буюк Британия уй-жой қурилиши министри Сэндис, ер ишлари министри Хитткот-Эмори, Британия марказий энергетика бошқармасининг раиси лорд Ситрин, лейбористлар партиясининг раҳбари Гэйтскелл, лейбористлар партиясининг бош секретари Морган Филлипс, Англия парламентининг а'золари Ж. Силвермэн, Ян Микардо, С. Силвермэн, лорд Страболжи, лорд Силкин ва бошқалар, Буюк Британия ташқи ишлар министрлигининг вакиллари, шунингдек бирқанча мамлакатларнинг дипломатия вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Буюк Британия марказий энергетика бошқармасининг раҳбар ходимлари, Кентербери соборининг бошлиғи Хьюллет Жонсон, тинчликни ҳимоя қилиш Англия комитетининг президенти Притт, совет энергетиклари делегацияси борган Буюк Британиядаги бирқанча шаҳарларнинг мэрлари, маданий ва илмий ташкилотларнинг вакиллари, бирқанча жамоат арбоблари ва сиёсий арбоблар, матбуот вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Германия Бирлашган социалистик партиясининг 3-нчи конференцияси ўз ишини тамомлади.

БЕРЛИН, 30 март. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партиясининг 3-нчи конференцияси ўз ишини тамомлади. Охирги мажлиснинг бош қисмида О. Гротевольнинг «Германия Демократик Республикасида ишчи-деҳқон ҳокимиятининг роли» тўғрисидаги докладини муҳокама қилиш давом этди. ГДР давлат хавфсизлиги министри Э. Вольвебер ва ГБСП Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'зоси Г. Матерн нутқ сўзладилар.

Конференция делегатлари О. Гротевольнинг «Германия Демократик Республикасида ишчи-деҳқон ҳокимиятининг роли» тўғрисидаги докладини бир овоздан ма'қулладилар.

Шундан кейин конференция мандат комиссиясининг докладини эшитди ва тасдиқлади.

ГБСП Марказий комитетининг секретари Г. Циллер иккинчи бешйиллик план директивасини ишлаб чиқувчи комиссия номидан доклад қилди. Конференция делегатлари ГДР халқ хўжалигини ривожлантириш иккинчи бешйиллиқ плани юзасидан ГБСП учинчи конференциясининг директивасини бир овоздан қабул қилдилар.

Шундан кейин «Германия Бирлашган социалистик партияси 3-нчи конференциясининг Германия Демократик Республикасида демократияни янада ривожлантириш соҳасидаги тадбирлар ҳақидаги таклифлари» бир овоздан қабул қилинди.

Шундан кейин, раислик қилучи В. Ульбрихт ГБСП Марказий комитетининг а'зоси О. Шенга сўз берди. О. Шен ГБСП 3-нчи конференцияси президиумининг топшируви билан мувофиқ ГБСП 3-нчи конференциясининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрикномасини ўқиб берди.

ГБСП Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'зоси, бош министр Отто Гротеволь охирги сўзни айтди. Отто Гротеволь партия олдида икки асосий вазифа, я'ни иккинчи бешйиллик планни тўла ва ошириб бажариш ҳамда ишчи-деҳқонлар ҳокимиятини тобора кучайтириш ва социалистик демократияни янада ривожлантириш вазифалари турибди, деб та'кидлади.

Гротеволь ўз нутқининг охирида тинчлик, демократия ва социализм лагери шарафига, Германия Бирлашган социалистик партияси шарафига табрик хитоблари айтди.

Конференциянинг охирги мажлиси «Интернационал»ни айтиш билан тугади.

Маданий ҳамкорлик тўғрисидаги конвенцияни тайёрлаш ҳақида СССР билан Югославия ўртасида олиб борилган музокаралар тамом бўлди

БЕЛГРАД, 30 март. (ТАСС). Белградда Югославия билан Совет Иттифоқи ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги конвенция текстини тайёрлаш юзасидан ЮФХР ҳукумати ва СССР ҳукумати делегациялари ўртасида олиб борилган музокаралар тамом бўлди.


Музокаралар дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида олиб борилди. Кейинчалик Москвада имзоланадиган конвенция 1955 йил 2 июньда Белградда имзоланган қўшма декларациянинг руҳига мувофиқдир. Конвенция ҳар иккала мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришни, бир-бирларининг ишлари билан танишиш ва тажрибаларини баҳам кўриш мақсадида фан, маданият, маориф ва спорт ходимларининг ўзаро алоқа боғлашларини кўзда тутади. Студентларни, мутахассисларни ва илмий ходимларни та'лим олиш, ихтисослаштириш ва илмий-текшириш ишларини бажариш учун бир-бирларига юбориб туриш кўзда тутилади.

30 мартда ташқи ишлар давлат секретарияти протокол бўлими биносида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги маданий ҳамкорлик тўғрисидаги конвенцияни дастлабки имзолаш маросими ўтказилди. Бу маросимда Югославия томонидан — ташқи ишлар бўйича давлат секретарининг ўринбосари Добривое Видич, ташқи ишлар бўйича давлат секретариатининг мухтор министри Драгое Джурич, Иттифоқ ижроия вечесининг маориф масалалари билан шуғулланучи секретариатининг ва четэллар билан маданий алоқа қилучи комиссиянинг вакиллари; совет томонидан — СССРнинг Югославиядаги элчиси Н. П. Фирюбин, СССР элчихонасининг маслаҳатчиси Ф. Н. Грязнов, элчихонанинг биринчи секретари Н. К. Тупицин, элчихонанинг иккинчи секретари Ю. В. Любимов ҳозир бўлдилар.

Конвенцияга Югославия делегациясининг раҳбари четэллар билан маданий алоқа қилучи комиссиянинг секретари Иво Фрол ва совет делегациясининг раҳбари, СССР маданият министрининг ўринбосари А. И. Назаров дастлабки имзо чекди.

МИСРНИНГ ПАРИЖДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ПОРТЛАШ

ПАРИЖ, 30 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг хабарига кўра, бугун кечаси Мисрнинг Париждаги элчихонаси биносида портлаш бўлган. Граната портлаган деб ҳисоблайдилар. Полиция терговга киришди.



Тошкент — Урсатьевск — Самарқанд маршрути бўйича Бутуниттифоқ кўпкунлик велосипед пойгаси. **Суратда:** Пойгачилар «Темирланг дарвозаси» дан ўтмоқдалар.

Б. Мазур фотоси (ЎзТАГ фотохроникоси).

Савол-жавоблар эрталиги

Яқинда Свердлов номли Ўзбекистон давлат филармонияси концерт залида шаҳар мактабларининг юқори синф ўқувчилари учун «Ҳар нарсани билишни истайман» деган темада савол-жавоблар эрталиги бўлиб ўтди.

Эрталикда «Ерда ҳаёт қандай пайдо бўлган?», «Усимлик дун'ёсини инсоният қандай ўрганмоқда?», «Ўзбек совет адабиёти тараққиётининг асосий этаплари ҳақида» ва «Америка ҳаво шарлари ҳақида» деган саволларга биология фанлари кандидати А. Бикузин, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Е. Узенбаев, филология фанлари кандидати А. Султонов ва физика-математика фанлари кандидати А. Жўраев ўртоқлар ҳартомонлама тўла ва мукаммал жавоб бердилар. Жавоблар эрталик қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ҳ. ЖАЛИЛОВ.

Дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда

Шу кунларда Сирдар'ё районидаги Тарас Шевченко номли колхозда дарахт кўчатлари ўтқазиш қизғин давом этмоқда. Колхоз кўчаларининг икки четига 2 минг туп терак, акация ва тол каби соя-салқин беручи дарахтлар ўтқазилди. Бир гектар ерга ток кўчати экилди. Ҳозир яна 3 гектар ерга олма, ўрик, шафтоли ва анор каби мевали дарахт кўчатлари ўтқазиш учун жойлар ҳозирлаб қўйилди.

З. ОРТИҚОВ.

Маданий дам олиш ўчоғи

Тошкентдаги «Қизил Тонг» фабрикасининг ишчи комсомол ёшлари ҳар шанба кунлари ишдан икки соат олдин бўшаганларидан сўнг одатдагидек фабрика клубига йиғиладилар. Клубда комсомол ёшлар учун турли темаларда лекция ва суҳбатлар уюштирилади. Сўнгра танца ва оммавий ўйинлар ташкил этилади. Бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг а'золари концерт қўйиб берадилар. Улар совет композиторлари ва СССР халқлари ашулаларини маҳорат билан ижро этадилар.

Шунингдек клубда комсомол ёшлар учун иттифоқимиз ишлаб чиқариш илғорлари тажрибасини оммалаштиручи бадиий ва ҳужжатли кинофильмлар кўрсатилади. Кутубхона мунтазам ишлаб туради.

С. СУЛТОНОВА.

СУДЗАЛИДАН

Қилмишига яраша жазоланди

Калинин район МТСига қарашли «Ел 55—74» номерли самосвал автомашинасининг шофери Носир Мирҳайдаров МТС директорининг рухсатисиз ўзбошимчалик билан ўз шахсий ишларида автомашинадан фойдаланиб келган. У «Келес» массивига бориб, тўйга хизмат қилади. Тўйдан қайтаётган 10 та аёл ва ёш болаларни машинасига туширади. Кўча қоидасини бузиб, машинани ниҳоятда тез ҳайдайди ва машина ағдарилиб кетади. Натижада уч киши машинанинг кузови остида қолиб ўлади.

Яқинда Калинин район 1-нчи бўлим халқ суди жиноятчи Носир Мирҳайдаровнинг жиноий ишини кўриб чиқди. Суд уни 8 йил ахлоқ тузатиш меҳнат лагерига юборишга, қамоқни ўтаб чиққандан сўнг 2 йил сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳукм қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/IV да кундуз **Огриқ тишлар**, кечқурун **Қароқчилар**, 3/IV да кундуз **Қароқчилар**, кечқурун **Юрак сирлари**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/IV да кундуз **Қизил гул** («Аленький цветочек»), кечқурун **Трубадур**, 2/IV да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Пиковая дама**, 3/IV да кундуз **Оққуш кўли**, кечқурун **Травиата**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/IV да кундуз ва кечқурун **Фарҳод ва Ширин**, 2/IV да кундуз **Муқимий**, кечқурун **Сурмахон**, 3/IV да кундуз **Сингиллар қиссаси**, кечқурун **Азиз ва Санам**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Пан То Си аттракционининг ва Тува цирк артистларининг хайрлашув гастрольлари**. Бугун тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

«РОДИНА» — кундуз янги бадиий фильм **Икки капитан**, кечқурун **Румянцевнинг иши**.

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 9 ярим ва 11 да **Ажралмас дўстлар**, кундуз соат 1 ва 3 да янги румин кинокомедияси **Бизнинг директор**, кеч соат 5 дан **Румянцевнинг иши**.

«ИСКРА» — кундуз **Икки капитан**, кечқурун **Румянцевнинг иши**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 9 ярим ва 10 яримда **Магдананинг луржаси**, кундуз соат 12 да **Сиҳрланган бола**, кундуз соат 1 яримдан **Икки капитан**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз **Икки капитан**, кечқурун **Румянцевнинг иши**.

ИЛМИЙ ХОДИМЛАР ЖАҲОН ФЕДЕРАЦИЯСИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА ҚАТНАШАДИГАН ЧЕТЭЛ ОЛИМЛАРИ ПЕКИНГА КЕЛДИЛАР

ПЕКИН, 30 март. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Илмий ходимлар Жаҳон федерацияси Ижроия кенгашининг 1 апрельда очиладиган 16-нчи сессиясида қатнашучи бирқанча четэл олимлари кеча Пекинга келдилар. Улар орасида Англия, Венгрия, Дания Германия Демократик Республикаси, Болгария, Япония, Польша, Албания ва Руминия олимлари бор.

БМТ Бош Ассамблеясининг XI сессиясини кечиктириш тўғрисида таклиф

НЬЮ-ЙОРК, 30 март. (ТАСС). БМТ секретариати БМТ бош секретарининг БМТ а'зоси бўлган мамлакатларга юборган нотасини матбуотда э'лон қилиш учун топширди. Нота Чили, Куба ва Эквадорнинг Бош Ассамблеясининг 1956 йил 18 сентябрьга белгиланган XI сессиясини 12 ноябрьга кечиктириш ҳақидаги таклифини ўз ичига олади.

Болгарияда меҳнат кооператив-деҳқончилик хўжаликлари а'золарининг сони кўпаймоқда

СОФИЯ, 30 март. (ТАСС). «Отечествен фронт» газетасининг хабарига қараганда, 1956 йилнинг уч ойи ичида Болгарияда меҳнат кооператив-деҳқончилик хўжаликларига 6.733.681 декар ери бўлган (1 декар 0,10 гектарга баравар) 222.413 якка хўжалик деҳқон а'зо бўлиб кирган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 00695. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1406.